

Jurnal 1925-yildan chiqa boshlagan

Muassis:
O'zbekiston Respublikasi
Madaniyat va sport
ishlari vazirligi

Bosh muharrir:
Minhojiddin MIRZO

Tahririyat:

Bosh muharrir o'rinbosari:
Jalolbek YO'LDOSHBKOV
mas'ul kotib:
Komil JONTOYEV
fotomuxbir:
Mashrab NURINBOYEV
sahifalash va dizayn:
Bahrom BOBOJONOV
navbatchi muharrir:
Manzura SHAMS

Jamoatchilik kengashi:

Muhammad ALI
O'zbekiston Yozuvchilar
uyushmasi raisi
Fotih JALOLOV
O'zbekiston Respublikasi
Madaniyat va sport ishlari
vazirining birinchi o'rinbosari
Suvon NAJBIDDINOV
«Matbuot tarqatuvchi»
AK Bosh direktori
Abdulahob NURMATOV
Andijon viloyati hokimligi
mas'ul xodimi
Baxtiyor SAYFULLAYEV
O'zbekiston davlat san'at va
madaniyat instituti rektori
Norbek TOYLOQOV
Pedagogika fanlari doktori,
professor
Rustam QOSIMOV
«O'zbekiston pochta»
OAK Bosh direktori

E-mail: gulistonjurnali@inbox.uz
guliston_j@exat.uz

Муқовада:
1-бет. Аҳмад ТўРА олган фото-
лавҳа.

USHBU SONDA:

Manzura SHAMS
E'zoz bilan ko'ngil yasharar

Abdurahmon PIRIMQULOV
Biz bilmagan g'azallar

Shermurod SUBHON
Yoshlar ma'naviyatini
yuksaltirishda muzeylarning
tutgan o'rni

Muhtarama ULUG'OVA
Mehr va hurmatning
go'zal ifodasi

Rasul KAMOL
Farishtali yurt

Nilufar HAYITOVA
«Men jilg'aman, daryo bo'lib
toshgim keladi...»

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 0517 raqamli guvohnoma bilan 18.03.2008-yilda ro'yxatga olingan. Jurnal ikki oyda bir marta (bir yilda oltita) chop etiladi. Mualliflar va tahririyat fikrlari farqli bo'lishi mumkin. «Guliston» jurnalidan olingan materiallarda manba ko'rsatilishi shart. Tahririyat barcha ijodiy ishlarni tahrir etishga haqli.

Bichimi 60x841/8. Buyurtma № 78. Adadi: 1115 nusxa. Hajmi 6 bosma taboq. Bosmaxonaga 01.06.2015-yilda topshirildi. Bosishga 01.06.2015-yilda ruxsat etildi. Tahririyat manzili: Toshkent — 100000, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Tel.: 233-25-66, 233-27-94.

Jurnal «Mezon Print» XK bosmaxonasida chop etildi.
Manzil: Toshkent shahri, Kichikbeshyog'och ko'chasi, 130-uy.

YORUG‘ KUNLAR SAODATI

Инсон доимо бахтга, саодатга интилиб яшайди. Бахт, бахтиёрлик ҳақида қанчадан-қанча фикрлар айтилмаган. Ҳеч ким ота-она, турмуш ўртоғи, фарзандлари, қариндош-уруғлари, дўстларисиз ўз бахтини тўқис тасаввур қилолмайди. Унинг севгиси, ҳурмати, эҳтироми ва садоқати мана шу азиз, юрагига яқин инсонлар ўртасида тақсимланади. Инсон чинакам бахтиёр бўлиши учун яна бир энг улуг, энг муқаддас тушунча борки, у буларнинг ҳаммасини бирлаштириб туради. Бу Ватандир! «Кимки ўз юртини севмаса у ҳеч қачон, ҳеч нимани севолмайди, Ватандан ташқарида бахт йўқ!»


Мустақиллик йилларида муҳтарам Юртбошимиз раҳбарлигида мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини ҳар томонлама ошириш, ёшларни баркамол қилиб тарбиялаш, ёши улуг, кекса авлод вакиллари эъзозлаш, ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, жамиятнинг ҳар бир аъзоси қалбида катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, меҳр-оқибат, бағрикенглик, ўзаро ҳурмат туйғуларини мустаҳкам қарор топтириш, бунёдкорлик, изланиш, ташаббус кўрсатиб, она ватанимизни обод қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Кўнгиллардаги ободлик бутун мамлакатга кўчди.

Юртбошимиз 9 май — Хотира ва қадрлаш кунида оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган суҳбатда Иккинчи жаҳон уруши оқибатлари, уруш фахрийлари ва кексаларни эъзозлаш, хотира ва қадр моҳияти, дунёда кечаётган мураккаб жараёнлар, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасида қилинаётган ишлар юртимизда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар натижаси тўғрисида фикр билдирар экан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети томонидан «Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари» деган мавзуда ўтказилган тадқиқот натижаларига ҳам тўхталиб ўтди:

«Ана шу тадқиқотга кўра, Ўзбекистонимиз мазкур рейтингда 158 мамлакат орасида 44-ўринни, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўртасида эса биринчи ўринни эгаллаган.

Бу ниманинг далолати, бу ниманинг исботи?

Бу авваламбор мустақиллик даврида биз эришган улкан марраларни, иқтисодиётимиз барқарор суръатлар билан ривожланаётгани, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати ошиб бораётгани ва бу ютуқларни дунё ҳамжамияти яна бир бор тан олаётганини кўрсатади.»



Давлатимиз раҳбари буларнинг барчаси кўпни кўрган, эртанги кунга катта ишонч билан яшаётган, иродаси бақувват, иймони бутун халқимизнинг меҳнати, мардлиги ва матонатининг натижаси эканлигини алоҳида таъкидлади.

Бу бахтиёр кунларга осонлик билан эришилгани йўқ. Қанча қийинчиликлар, заҳматлар йўли босиб ўтилди. Хушёрлик ва огоҳлик билан қанча мураккаб жараёнларнинг олди олинди.

Ўтган йиллар давомида давлатимизнинг иқтисодий ва маънавий пойдевори мустаҳкамланди. Ҳа, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли кўп давлатларда «йўғонлар чўзилиб, ингичкалар узилди». Ижтимоий бўҳронлар юзага келди. Бир қарашда мустаҳкамдай туюлган кўп иқтисодий тизимлар, моделлар заифлиги, синовларга бардошли эмаслиги намоён бўлди. Лекин Ўзбекистон танлаб олган тараққиёт йўли ҳаёт синовларидан муваффақиятли ўтиб, ҳар томонлама ҳаётий, узоқни кўзлаб ишлаб чиқилганини бутун дунёга намоён этди. «Ўзбек модели» асосини ташкил қиладиган беш тамойил, давлат ва жамият барқарорлигини таъминлайдиган, халқнинг фаровонлигини оширадиган бешта таянч, муҳим асос сифатида ўзини кўрсатди.

Ватанимиз ўтган йиллар давомида қанчалар ўзгариб кетди. Бугун нафақат Тошкент шаҳрини, диёримизнинг барча вилоятлари, шаҳарлари, туман ва қишлоқлари, олис овуллари кезган, кўрган, одамлар билан суҳбатлашган борки, аввало бир муҳим ва қимматли жиҳатни илғайди. Бу одамлар онги ва қалбида, тафаккуридаги ўзгаришлардир. Бу ёшлар қалбидаги катта-катта мақсадлар сари дадил интилиш, ўзига ишонч туйғусидир. Бу озод ва обод Ватандан, уни мустақилликка олиб чиққан буюк инсондан, тинч ва фаровон ҳаётдан ризолик, эртанги кундан янада катта умидворлик туйғусидир!

«Истиқлол даврида туғилиб вояга етган, мустақил ва янгича фикрлайдиган, буюк мақсадлар сари интилаётган фарзандларимиз отабоболаридан мерос бўлиб қолган ўз юртини, туғилган тупроғини муқаддас деб билиши, унинг эртанги ёруғ кунини учун бутун борлигини бағишлашга, керак бўлса, жонини фидо қилишга тайёр бўлиши — буларнинг барчаси бугун ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган ёшларимиз ҳаётининг узвий бир қисмига айлангани ҳаммамизга ишонч ва куч-қувват бағишлайди».

Ҳа, таъкидлаб ўтилганидек, мамлакатимиз ёшлари бугун барча соҳаларда қатъий мақсад йўлидаги изланишлари, қўлга киритаётган ютуқлари билан жаҳонда ҳеч кимдан кам эмасликларини кўрсатмоқдалар.

Албатта, тинчлик, ҳамжиҳатлик, фаровонлик, мамлакатда ҳукм сураётган маънавий муҳит биринчи навбатда одамларнинг ҳаётида ўз аксини кўрсатади. Мамлакатимизда халқимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73,5 ёшга кўтарилди. Бу шунчаки гап эмас. Ахир, қачон инсоннинг умрига умр қўшилади, қачон ёшига ёш қўшилади? Қачонки, юрти тинч ва обод, ҳаёти фаровон бўлса, фарзандларининг тақдиридан, келажагидан кўнгли тўқ бўлса, эътибору эъзоздан мамнун бўлса!

Албатта, мазкур суҳбатда таъкидланганидек, «Биз бугун, ҳақиқатдан ҳам қандай гўзал ва бетакрор заминда яшаймиз. Шу маънода, «Биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?» деган саволни олдимишга қўйиб, ҳозирги ҳаётимиз билан солиштирадиган, қиёслайдиган бўлсак, ўйлайманки, орамизда Ватанимизнинг бугунги тараққиёти билан фахрланмайдиган, буни қадрламайдиган одамнинг ўзи йўқ, десам, адашмаган бўламан».

Бугун Ўзбекистонни, дунё аҳли бунёдкор ва яратувчи давлат, аҳолисини эса фаровон ва бахтиёр халқ сифатида эътироф этмоқда. Пухта ўйланган ислохотлар йўли қанчадан-қанча муаммоларга ечим бўлиб, она юртимиз тараққиёт пиллапояларидан соат сайин юқорилаб бормоқда.

Лекин бугунги кунда дунёда, ён-атрофимизда бўлаётган воқеа ва ҳодисалар барчамиздан доимий равишда бепарво ва лоқайд бўлмасдан, ҳар соатда хушёр ва сезгир бўлишимизни талаб қилмоқда. «Жаҳоннинг турли минтақа ва ҳудудларида қарама-қаршилик ва зиддиятлар, қонли можаролар, халқаро терроризм, экстеремизм, наркотрафик каби хавф-хатарлар тобора кучайиб бормоқда, фашизм деган бало бош кўтармоқда, миллатчилик, шовинизм сингари офатлар майдонга чиқмоқда».

Бахтли яшаш, аввало, яратганнинг хоҳиши, қолаверса, ҳар бир халқнинг ўз қўлида, деб алломалар бежиз айтмаганлар. Бахтли ҳаётни яратиш қанчалар катта меҳнат ва масъулиятни талаб этса, бахтли ҳаётни асраш, уни бардавом бўлишини таъминлаш ундан-да кўп меҳнат, хушёрлик, сезгирлик, ҳамжиҳатликни талаб қилади. Мана шу муқаддас Ватанимиз меҳридан доимо баҳраманд бўлиб, уни янада обод қилиш азми шижоати, саодати билан интилиш, уни ҳаммиша кўз қорачиғидай асрашдек улўф ниятлар билан яшаш ҳар биримизга ёр бўлсин!

Таҳририят

Эъзоз билан КО'NGIL YASHARAR

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида санъат ва спорт фахрийлари иштирокида пойтахтимиздаги «Наврӯз» кошонасида маънавий-маърифий анжуман ўтказилди. Бир пиёла чой устида бўлиб ўтган ушбу тадбир чинакам маънода миллий маданиятимиз, спортибиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб, бугунги кунда кексалик гаштини суриб, эъзозу иззат-икромда яшаётган устозларимизнинг ўзига хос дийдорлашув кечасига айланиб кетди.

Яйра АБДУЛЛАЕВА, Ўзбекистон халқ артисти:

— Мен ўзбек халқининг эрка қизи бўлдим. Доим халқимнинг ардоғи ва меҳрини ҳис қилиб яшадим. Мана, бугун кексалик нашидасини ҳам шу меҳр оғушида ўтказаяпман. Санъатим туфайли кўп юртларга бордим. Ҳамма жойда ўзбек деган ном билан саҳнага чиқдим. Табиатан кузатувчан бўлганим боис, одамларнинг характерига алоҳида эътибор бераман. Ўзбекона фазилатларни, бағрикенглик, хушфеълликни бошқа жойларда кўрмайсиз. Мана, куни кеча талабалар йўқлаб келишди. Маҳалладан, ташкилотлардан, театрдан келиб табриклаб кетишади. Шогирдингизман, деб келаётган ёшларни кўриб, қувониб кетаман.


Ўйлайманки, бу эъзоз, бу қадрни юртимиздаги ҳар бир кекса авлод вакили ўз мисолида ҳис қилмоқда. «Кексаларни эъзозлаш йили» деб Юртбошимиз бошлаб берган ташаббус ўйлайманки, ҳали узоқ вақт давом этади.



Гулшод ОТАБОЕВА,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Қорақалпоғистон халқ артисти:

— Инсон қачон ўзини тўқис бахтли ҳис қилади? Ўз меҳнатларининг самарасини, фарзандлари, шогирдларининг камолини кўрганида. Мен шундай бахтли санъаткорман. Устозим Лизахоним Петросова қорақалпоқ рақсларининг асосчиси эди. Менга ҳам овозинг, ҳам рақсга иқтидоринг бор экан, деб лапар йўналишини танлашимни маслаҳат берган. Муҳиддин Қори Ёқубов ҳамда Тамарахонимнинг айтишувларини, Назира Аҳмедова, Лутфихоним ая, Райҳон Тўраева ва ҳамма раққоса сифатида танийдиган Мукарама-хоним Турғунбоева ижро этган лапарларни ўрганар, ўзим ҳам уларга тақлидан рақс тушиб, қўшиқ куйлардим. Мана, бугун бу санъатни



Тошкент Маданият коллежи ўқувчиларига ўргатяпман. Сўзимни бахт тушунчасидан бошлаганимнинг боиси ҳам мен ўз кўзлаган мақсадимларимни шогирдларим камолида кўряпман. Нафақага чиққанамга йигирма йил бўлган бўлса, ҳамон шогирдларим бағридаман, уларга санъат сеҳрини, сахнани ҳис қилиш маданиятини ўргатяпман. Республикамизнинг турли бурчакларида шогирдларим бор.

Мен бу бахтни шу йил мисолида кўпроқ ҳис қиляпман. Инсон эъзоз кўрган жойда азиз. Мен ўзбек лапарчилик анъаналари авлодлардан авлодларга ўтиб, яшаб қолишига ишонаман. Бу йўлда қилаётган меҳнатларимни юртимиз равнақига оз бўлса-да қўшаётган ҳиссам деб ҳисоблайман.



**Бахтиёр ИХТИЁРОВ,
Ўзбекистон халқ
артисти:**

— Мен Иккинчи жаҳон урушида бедарак кетган икки нафар фарзандини кута-кута оламдан ўтган бўвимни эслайман. Ўша давр одамларининг кўзида сабр-қаноат, бардош кўрадим. Бугунги кун одамларининг кўзида шукроналик, саодат, қувонч, мамнунлик бор. Сахар пайти кўчага чиқсангиз, сув сепиб супурилган, дарвозалари очиб қўйилган ҳовлиларга кўзингиз тушади. Онахонлар чаккаларига райҳон тақиб, отахонлар елкасига дуррача ташлаб олиб, фарзандларига, невараларига бош бўлиб юрганлари қадрият эмасми? Яқинда чет элдан келган танишларимни ош маросимига олиб бордим. Улар одамларимиздаги кайфият, бир-бирларига эҳтиром, кексаларга бўлган эъзоз, ҳар бир ишни, уларнинг дуоси билан бошлаш сингари одатларимизни кўриб, ҳайратга тушишди. Ўзингиз айтинг, бундай одамлар, бундай юрт яна қайда бор?

Мен кўпни кўрган, тажрибали актёр, фуқаро сифатида бугунги эъзоздан, ардоқдан фахр ҳиссини туйдим.



**Толиб КАРИМОВ,
Ўзбекистон халқ
артисти:**

— Қани энди ёш бўлиб қолсаму барча ғайратим, кучимни шу бугунги кунларда сарф қилсам. Лекин беҳисоб шукрки, элимизнинг ардоғидаман. Театрга, адабий кечаларга чақи-

ришяпти. «Кексаларни эъзозлаш йили» муносабати билан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги бизни йўқлаб, барча фахрийларни дийдор кўриштирди. Эҳҳе, қанча қадрдонлар билан учрашдик. Совғасаломлар олдик. Эътибор ва эъзоз инсон кўнглини яшартирар экан. Мен ўзимда бир йигитнинг шижоатини ҳис қиляпман.

Бугун болалар бахтли, кексалар эъзозда, одамларнинг кайфиятига қаранг, ҳамманинг бугунги кунидан, келажакдан кўнгли тўқ. Мен ҳам кексалар қаторида тонгда туриб, юртимизга тинчлик, халқимизга фаровонлик тилайман. Бизни шунчалар эъзозлаётган Ватанимиздан, Юртбошимиздан миннатдормиз!

Манзура ШАМС тайёрлади






Ўзоз ва ehtirom kechasi



Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Бадийи жамоалар ижодий бирлашмаси томонидан “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури доирасида пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида “Ўзбек миллий мумтоз ашула ва рақс ансамбли” ва “Навбахор” ансамблининг концерти намоиш этилди.

Ёши улуг нуроний отахон ва онахонларимизга хуш кайфият улашиш, шу билан бирга уларнинг мазмунли дам олишини таъминлаш мақсадида ўтказилган ушбу тадбирда Ўзбекистон халқ ҳофизлари Ўлмас Саиджонов, Сойибжон Ниёзов, Ўзбекистон халқ артисти Матлуба Дадабоева, “Нихол” мукофоти совриндори Гулноза Худойназарова сингари санъаткорлар иштирок этди.

– Ўзбекистон бадийи жамоалари ижодий бирлашмаси таркибида Юнус Ражабий номидаги “Мақом”, “Дуторчи қизлар”, “Ўзбекистон”, “Наврўз”, “Навбахор”, “Лазги”, Ўзбек миллий мумтоз ашула ва рақс ансамбллари фаолият олиб боради, – дейди Ўзбекистон халқ ҳофизи, Ўзбекистон



бадий жамоалари ижодий бирлашмаси бош директори Ўлмас Саиджонов. – Ушбу жамоаларнинг барчаси “Туркистон” ва “Истиклол” санъат саройида ўз концерт чиқишларини намойиш этади.

– Эъзоз ва эҳтиромга сазовор бўлиб яшаётган биз қариялар учун бу тадбир нур устига нур бўлди, – дейди меҳнат фахрийси Шоира Мақсудова. – Президентимиз томонидан 2015 йил “Кексаларни эъзозлаш йили” деб эълон қилингани бизни бир неча ўн йилларга ёшартди. Шу кунгача жуда кўп тадбирларда қатнашдик. Мана бугун таниқли санъат усталари ижросидаги ажойиб концертни томоша қилдик. Бугунги концерт бизни ёшликка қайтарди.

“Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури доирасида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ҳудудлар бўйлаб мингдан ортиқ ана шундай маданий тадбирлар ташкил этилиб, унга 180 мингдан ортиқ ёши улугъ юртдошларимиз таклиф этилди.



«...MEN SHARQ GAVHARI SAMARQANDDA, AFSONAVTY REGISTON MAYDONIDA QO'SHIQ KUYLAGANIMDAN FAXRLANAMAN!»



Бу йил Самарқанд шахрида мухтарам Президентимиз ташаббуслари билан ташкил этилган «Шарқ тароналари» мусиқий фестивали ўнинчи маротаба бўлиб ўтади. Шу кунгача мазкур фестивалда дунёнинг юздан ортиқ давлатларидан ташриф буюрган таниқли санъаткорлар иштирок этди. Куйида улардан айримларининг ушбу анжуман ва юртимиз тўғрисидаги таассуротлари билан танишасиз.

Ал Бано КАРРИЗИ, Италия:

— Ўзбекистон менда худди ўз ватанимдек таассурот қолдирди. Одамларингиз санъатсевар эканлиги кўриниб турибди. Уларнинг орасида иқтидорли йигит-қизларнинг кўплиги бошқалар қатори мени ҳам қувонтирди. «Шарқ тароналари» фестивали дунё халқлари маданиятини бир жойга тўплагани менга ёқди. Фестивалнинг асосий мақсади турли халқлар мусиқа санъатини асл ҳолида сақлаш, замонавий кўринишда намойиш этиш экани ҳам буни яққол кўрсатиб турибди.

Буюк ипак йўли ҳақида китобларда ўқиганман Самарқанд, Бухоро каби тарихий шаҳарларингиз ҳақида кўп эшитганман. Ниҳоят уларни кўриш насиб этди. Инсон анча вақт кутган орзуси амалга ошганида ўз хурсандчилигини нима биландир ифода этади. Мен Самарқанднинг муқаддас заминини кўзимга суртдим. «Шарқ тароналари» фестивали бутун жозибаси билан дунё халқларини бирлаштиришга катта ҳисса қўшиши шубҳасиз.

си билан дунё халқларини бирлаштиришга катта ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Рашми АГАРВАЛ, Ҳиндистон:

— Агар сиз кучли ижодкорлар орасига тушиб қолсангиз, ўзингизнинг энг яхши жиҳатларингизни кўрсатишга ҳаракат қиласиз. Менда ҳам худди шундай бўлди. «Шарқ тароналари»да дунёнинг энг кучли санъаткорлари йиғилади. Ана шундай ҳолатда мендан ўзимнинг бор имкониятларимни намойиш этиш талаб этиларди. Мен буни уddалай олдим, деб ўйлайман. Гран-При соҳиби бўлган пайтимдаги қувончимнинг чеки йўқ эди.


Регистон майдонида бундай совринни қўлга киритиш ҳамма санъаткорга ҳам насиб этавермайди. Бундай нуфузли фестивалда қатнашишни ўзим учун фахр деб биламан! Самарқандда қўшиқ куйлаганимдан гурурланаман. Мен Ўзбекистон Президентини Ислоҳ Каримовга алоҳида миннатдорлик билдираман. Айнан у киши «Шарқ тароналари»дек ажойиб фестивални ташкил этиб, бутун дунё санъаткорларини бир жойга жамлади.

Назакет ТЕЙМУРОВА, Озарбайжон:

— «Шарқ тароналари» фестивали ўтказила бошлангандан буён бу нуфузли санъат анжуманида иштирок этиш ишқиди ёнардим. Лекин қандайдир сабаблар билан бу ниятим ортга сурилаверди ва ниҳоят орзуларим ушалди. Бундан хурсандман.

Ўзбекистон чиндан ҳам таърифланганидек, жаннатмакон юрт экан. Халқингизнинг самимий муносабати мени лол қилди. Аслида ўзбек ва озарбайжон халқлари нафақат тили ва дини, балки бошқа кўплаб жиҳатлар орқали ҳам бир-бирига яқин. Айниқса, адабиётларимиз ўртасидаги узвийликни алоҳида таъкидлаган бўлардим. Сизлар Фузулий ва Низомий Ганжавийни қанчалик севиб мутолаа қилсангиз, биз Навоийни шунчалик севиб ўқиймиз. Ўз-ўзимизнинг шоиримиз сифатида ардоқлаймиз.

Самарқандни кезар эканман, ўзбек уста-меъморларига тан бердим. Айниқса, Регистон майдонининг маҳобати ва чиройи ҳар қандай одамни лол қилади, ажиб ҳислар оғушида қоласиз. Шундай майдонда туриб қўшиқ куйлаш ҳар қандай санъаткор учун катта орзу. Бундай бахтни англамоқ учун эса фақат ва яна





фақат «Шарқ тароналари»да иштирок этиш ва Регистонда қўшиқ айтиш керак.

Соломон ГОГАШВИЛИ, Грузия:

— Бу ажойиб фестивалда нафақат Шарқ мамлакатларининг вакиллари, балки жаҳоннинг турли бурчакларидан келган маданият намояндалари иштирок этмоқда. Самарқандда фақат «Шарқ тароналари» эмас, дунё тароналари янграйди. Биз дунё санъаткорларининг чиқишларини катта қизиқиш билан томоша қилдик. Самарқанд қадим-қадимдан турли маданиятлар туташган манзил ҳисобланган.


«Шарқ тароналари» бизга жаҳоннинг турли бурчакларидан келган маданият вакиллари билан суҳбатлашиш, фикр алмашиш имконини берди. Уларнинг баъзилари билан ижодий алоқалар ўрнатдик. Бу ҳамкорлик ҳамон давом этмоқда. Интернет орқали мунтазам гаплашиб турибмиз. «Айсва» гуруҳи билан бирга қўшиқ куйладик, ҳамкорликда альбом тайёрлаш режамиз ҳам бор. Демак, «Шарқ тароналари» маданиятлар, миллатлар яқинлашувига, санъатлар, мусиқалар уйғунлашувига, халқлар, давлатлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Раймондас НИКОЛАЙТИС, Литва:

— Фестивал бизга аввало ўзбек маданияти, қолаверса, Шарқ мумтоз мусиқаси дурдоналари билан яқиндан танишиш имконини берди. Шу жумладан, бошқа халқлар санъати ва маданияти ҳақида ҳам кўп нарса билиб олдик. Улар билан ижодий фаолият борасида фикр алмашдик. Асосийси, дунёнинг энг нуфузли мусиқа фестивалида Литванинг қадим анъаналари ва маданиятини барчага намойиш этдик.

Гуруҳимиз билан Ўзбекистонда ўтган кунларни тез-тез эслаймиз, соғинамиз. Қалбимизда ҳеч қачон тарк этмайдиган ҳиссиётлар жўш уради. Самарқанддаги мўъжизавий Регистон майдонида қўшиқ куйлаш ҳар қандай санъаткор учун катта бахт. Ватанингизга яна келиш имкони туғилса, жон деб сафарга отланардим. Кейинги ташрифимизда Ўзбекистон тарихи ва маданиятини янада чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қиламиз ва албатта дўстларимиз билан учрашамиз.

Темур АЪЗАМ тайёрлади



Биз билмаган 9 ахаллар

Алишер Навоий лирик меросининг асосий қисми-ни тўрт мустақил девондан иборат «Хазойин ул-маоний» куллиёти ташкил этади. Куллиётнинг сўнгги таҳрири 1498 йилда улуғ шоирнинг ўзи томонидан амалга оширилган. Навоий даврида ва кейинчалик ҳам бу муаззам мажмуа «Чор девон» номи билан шуҳрат қозонган. Навоий куллиёт устида олиб борган узоқ ва машаққатли ижодий меҳнат якунидан кейин ҳам бадиий ижоддан сира тўхтамаган. «Чор девон»нинг XVI асрда кўчирилган нусхаларида ҳам 1498 йилдан кейин ёзилган ғазаллар учрамайди. Негаки, мажмуанинг ички тузилиши муаллиф томонидан ниҳоятда пухта ўйлангани ва тартиб берилгани учун кейинги давр хаттотлари унинг бирор бир жойига ўзгартириш киритиш номақбул бўлишини яхши англаганлар. Навоийнинг нурли қалами остида қоғозга тушган, бироқ яратилиш даврига кўра шоир вафотидан бир ёки икки йил аввал ёзилган ғазаллар тақдири бизни изланишга чорлайди. Демак, муайян ва маълум сабаблар билан куллиёт мундарижасига кирмаган «тарқоқ» ғазаллар ҳақида маълумот берувчи манбаларни аввало улуғ шоирнинг ўз меросидан излаш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, Навоийнинг «Мезон ул-авзон» номли рисоласи тўлиқ аруз илми назарияси муаммоларига бағишланган. Шоир аруз вазнининг маълум бир баҳри хусусида сўз очар экан, далил учун бир неча йирик шоирлар ижоди жумласида гоҳо ўз байтларидан ҳам намуна келтиради. Масалан, шоир туркий арузнинг «тавил» ва «басит» баҳрлари хусусида сўзлаб, намуна ўрнида ўзининг қуйидаги матлаъларини қайд этади. Дастлаб «тавил»нинг икки рукнига тегишли икки байтни ёзади:

**Десам: оразу зулфинг ул ўтдур,
тутундур — бу,
Дер: ондин сенга куймак,
бу бирдур қаро қайғу.**

Кейингиси:

**Чехрадин бурқаъ очиб, ўтқа куйдурдунг мени,
Чун кул ўлди пайкарим, кўкка совурдунг мени.**

Шундан сўнг «басит» баҳрининг ҳам икки рукни мавжуд деб бирига:

**Ишқинг мени туну кун мажнуну
зор айламиш,
Кўнглумни зору ҳазин, жисмим
низор айламиш, —**

деган матлаъни асос қилиб кўрсатади. Тилга олин-



ган байтлар билан бошланадиган ғазалларнинг бирортаси ҳам машхур куллиёт таркибида учрамайди. Шундай экан, ғазалларнинг тугал варианты қаерда бўлиши мумкин, деган ҳақли савол туғилади. Ахир шоир уларни тамомига етган, бадиият ва ички шеър ўлчовлари жиҳатдан етук асарлар сифатида қайд этипти-ку!

Шунга ўхшаш ҳолат Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг арузга тегишли рисоласида ҳам кузатилади. Жумладан, «Рисолайи аруз»нинг «рамал» баҳрига тегишли саҳифаларида Бобур мисол сифатида Навоийнинг қирқ олти ғазали матлаъсини тилга олади. Шулардан фақат биттаси, яъни:

**Кимники ёр айладинг бўлди
гирифторинг сенинг,
Рашқдин ваҳ дея олмасман:
худо ёринг сенинг, —**

деган сатрлар билан бошланадиган ғазал йирик тўплам таркибида учрамайди. Шунингдек, рисола-нинг бошқа саҳифаларида ҳам Навоийга нисбат берилиб қайд этилган ўн уч байтнинг тугал варианты куллиётда мавжуд эмас.

Навоий қаламига мансуб навбатдаги ғазал мақтаъси билан биз шоирнинг яна бир кичик замондоши Ҳасанхўжа Нисорийнинг «Музакири аҳбоб» тазкираси орқали танишамиз. Нисорий ёшлик чоғларида ҳазрат Навоий билан бир кеч тушида кўришганини фахр билан хотирлаб, суҳбат чоғида устознинг «бизнинг ашъоримиздан ҳам билурмусан» деган саволига жавоб сифатида «фақир аларнинг бу муборак мақтаъларин ўқудум» деб:

**Эй Навоий, сен киму меҳробу
масжид истамак,
Қайдаким, хўблар аёгин кўйса,
сен бошингни кўй, —**

деган сатрларни келтиради. Ушбу тугалланма байт билан куллиёт девонлари жисмидаги ғазаллар солиштирилса, бунинг ҳам тугал варианты мавжуд эмаслиги ойдинлашади.

XVI асрда яратилган Мирзо Муҳаммад Маҳдихоннинг «Санглоҳ» деган луғатида ҳам Навоий ижодидан ўнлаб мисоллар келтирилади. Лекин Маҳдихон тилга олган олти матлаънинг тугал шакли «Чор девон» жисмида учрамайди.

Навоийнинг турли муносабат билан куллиёт таркибига кирмай қолган бир неча ғазаллари бизгача қатор мухаммаслар орқали етиб келган. Бу жиҳатдан айниқса XIX аср шоирлари алоҳида маҳорат намойиш этишган. Жаҳон Отин Увайсий, Мирмаҳмуд Қорий, Роқим ва Юсуф Сарёмий меросидаги тахмисларнинг асосий қисмига замин бўлган ғазаллар куллиётда бор. Аммо уларнинг баъзи бир тахмисларига замин бўлган ғазаллар машхур куллиётда кўзга ташланмайди. Сарёмий ижодидаги икки тахмис (бири «Дуторчи қизлар» айтадиган машхур «Яли-яли» қўшиғига асос бўлган) нинг асоси девонларнинг бирортасида ҳам мавжуд эмас экан. Навоийнинг мажмуада бўлмаган:

**На янглиғ айлади тасвир оразинг наққош
Ки, наътинг айтғали айлар кўнгул**

тил ила талош, —

матлаъли ғазалга ҳам Қорий, ҳам Сарёмий ниҳоятда гўзал тахмис боғлаган экан. Демак замондош бўлган икки ижодкор бизга номаълум бир манбадан, эҳтимол битта баъздан фойдаланган бўлиб чиқади. Хулоса қилиш мумкинки, баъзи бир мумтоз шоирларимизнинг мухаммаслари орқали биз улуғ шоир куллиётига кирмаган ғазаллар билан яқиндан танишишимиз мумкин. Бироқ Навоийнинг ўзи «Мезон ул-авзон»да, Бобурнинг «Рисолайи аруз»ида ва Нисорийнинг «Музакири аҳбоб» тазкирасида, шунингдек, Маҳдихоннинг «Санглоҳ» луғатида тилга олинган бир неча ғазалларнинг тўлиқ шакли ва манбаси бизга ҳали ҳануз номаълум бўлиб келмоқда.

Яна бир мулоҳаза борки, устоз навоийшунослар бу борада эътироф этса арзийдиган ишларни амалга оширганлар. Профессор Ҳамид Сулаймонов йирик тўпламга кирмаган ўттиздан ортиқ ғазалларни аниқлаб, 1960 йилда охириги — «Фавойид ул-кибар» девони таркибига илова сифатида киритган бўлса, профессор Фозила Сулаймонова бу рўйхатга яна бир неча намуналарни киритиб, 1995 йилда алоҳида «Айёми висол ўлди яна» номи билан чоп эттирган. Профессор Абдурашид Абдуғафуров эса бу мавзуда жиддий кузатишлар олиб бориб, шоирнинг куллиётга кирмаган асарларининг умумий ҳажмини алоҳида тўплам қилса, катта бир китоб бўлишини, олимларимиз аниқлаган асарлар эса бизга номаълум асарларнинг учдан бир қисми эканлигини катта ишонч билан таъкидлайди.

Унутмаслик лозимки, устоз навоийшунослар куллиётга кирмаган ғазалларни яқдиллик билан 1498 йилдан кейин, яъни куллиёт устидаги ғоят машаққатли ижодий меҳнат якунига етганидан сўнг ёзилган, чунки уларнинг кўпчилигида шоир қариллик ва хасталиқдан шикоят қилади ва шу боис ҳам улар девонларга киритилмай қолган деб ҳисоблайдилар. Агар биз девонлар ва умуман куллиётнинг ички тизими ҳамда композицион тузилиши («Бадоеъ ул-бидоя» дебодасида шоир девон тузишнинг ўзига хос принциплари ҳақида сўзлаганини эсга олайлик)га диққат қилсак, шоирнинг ўзи онгли равишда, эҳтимол ўзга манбалар орқали ёзиб қолдиришни режа қилгани учун куллиётга киритмаган бўлиб чиқади. Чунки шоир «тарқоқ» ғазалларнинг ҳаммасида ҳам, юқорида кўрганимиздек, қариллик ва хасталиқдан шикоят қилавермайди. Улар орасида чакмоқдек чақнаб турган шундай ишқий сатрлар борки, бу айнан кекса Навоийнинг эмас, балки ошиқ Навоийнинг шахсий дард ва армонларининг поэтик талқинидек таассурот пайдо қилади. Ҳар ҳолда шоир куллиётга лозим топганини киритган, лозим топмаганини эса онгли равишда тушириб қолдирган. Чунки бу ҳол муаззам мажмуанинг ички тузилишига путур етказиши мумкинлиги шоир томонидан жиддий инобатга олинган.

Абдурахмон ПИРИМҚУЛОВ



Ҳар йили мамлакатимизда 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни сифатида кенг нишонланади. Ҳозирда Ўзбекистонда 1400 га яқин оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ҳаётимизга анъанавий ахборот воситалари бўлмиш газета-журналлар, теле ва радиоканаллар билан бирга энг замонавий ва илғор медиа тармоқлари — рақамли ва мобил телевидение, интернет-телевидение, интернет-радио каби янги тизим, ахборот воситалари ҳам кириб келдики, уларсиз фаолиятимизни асло тасаввур қилолмаймиз. Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганидек, бугунги кунда «Оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа корхоналари, матбуот тарқатувчи ташкилотларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилинган Президент қарорига биноан улар учун яратилган имтиёз ва преференциялар мазкур тузилмаларнинг мустақиллигини сўзда эмас, амалда таъминлашда қулай молиявий шароит туғдириб, ушбу соҳада меҳнат қилаётган минг-минглаб ишчи ва ходимларнинг даромадини, моддий фаровонлигини ошириш билан бирга бошқа бир қатор тармоқлар ривожига ҳам катта ижобий таъсир кўрсатмоқда».

Байрам муносабати билан турли оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган устоз журналистларнинг бугунги кундаги соҳа ривожига, оммавий ахборот воситаларининг ҳаётимизда тутган ўрни билан боғлиқ мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

**Гулчеҳра УМАРОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими:**

— Ҳар бир ўтган кунимиз бизни тобора Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги нишонланадиган санага яқинлаштирмоқда. Албатта, кўҳна тарих учун бу бир шам ёниб ўчганчалик фурсат бўлиши мумкин. Лекин она Ватанимиз Ўзбекистон учун беқиёс ўзгаришлар, таърифга тил ожиз янгиланишлар даври бўлди. Нафақат пойтахтимиз Тошкент, балки вилоятларимизнинг барча ҳудудларида амалга оширилган ва оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, ҳамма соҳаларда кечаётган ислохотлар кўлами одамнинг ақлини шошириб қўяди. Айниқса, Президентимиз томонидан ёшларга берилаётган кенг имкониятлар, яратилаётган шарт-шароитлар ҳамда бунга жавобан улар турли соҳаларда жаҳон миқёсида қўлга кирита-

ётган ютуқлар ҳар биримизга фахр ва гурур бағишлайди.

Ана шундай юксак миқёсдаги ишлар аҳамиятини, залворини ҳар бир ватандошимиз онгу шуурига етказиш, уларда ўз она юртидан фахрланиш ҳисларини жўш урдириш ва янги марраларга чорлашда олдинги сафларда бораётган матбуотчиларнинг вакили эканимдан хурсандман. Узоқ йиллардан буён ўзбек миллий санъати тарғиботи билан шуғулланиб келаётганим учун шу йўналишда журналистларнинг иштироки ва олдимизда турган вазифаларга тўхталсам ўринли бўлади, деб ўйлайман.


Мустақиллик йилларида бошқа соҳаларда бўлгани каби, санъатнинг барча йўналишларида Президентимиз алоҳида эътибори туфайли катта ишлар амалга оширилди ва бу йўлдаги ишлар ҳамон давом этмоқда.

Шахсан мени санъатнинг опера, вокал ижрочилиги, созандалик, миллий ва эстрада хонандалиги, тасвирий ва амалий санъат борасида ёшлар қўлга киритаётган дунё миқёсидаги ютуқлар ниҳоятда қувонтиради. Журналистлар, хусусан, санъатшунос журналистлар матбуотда бу ҳақда фахрланиб ёзмокдалар, эшиттириш ва кўрсатувлар тайёрламокдалар.

Бу яхши, албатта. Зеро, ҳар соҳада қўлга киритаётган ютуқларимизни юртимизнинг ҳар бир фуқароси қалбига сингдириш, уларда ўз ватани ва ватандошларидан фахрланиш туйғусини шакллантириш бизнинг асосий вазифаларимиздан бири.

Айни чоғда олдимизда ҳали улкан вазифалар турганини ҳам унутмаслигимиз, асосий эътиборни соҳада учраб турган камчиликларни тугатишга қаратишимиз лозим. Ёшларимиз маънавиятига бевосита таъсир кўрсатишга қодир бўлган санъат соҳасидаги айрим камчиликларни бартараф этишимиз зарур. Айтайлик, Президентимиз театр ва кино ижодкорлари олдида қўйган замонимиз қаҳрамонини сахна ва экранларга олиб чиқиш борасида ҳали қувонарли натижалар кўп эмас. Вокал ижрочилар, созанда-лар, мумтоз ашула ижрочилари жаҳоннинг нуфузли сахналарида катта ютуқларни қўлга киритаётганлари баробарида миллий эстрада йўналишида ҳамон матнга беъэтиборлик, мусиқада кўчирмакашлик, ижрода пала-партишлик учраб турибди. Бундай ҳолатларни нафақат эстрадага кириб келаётган ёшлар, балки тажрибали хонандалар ижодида ҳам кузатиш мумкин.

Назаримда бу ўринда журналистларнинг ҳам айби бор. Чунки матбуотда, радио-телевидениенинг баъзи каналларида эстрада хонандалари билан тумтароқ суҳбатлар, ғалати интервьюлар берилмоқда. Улар-



ни ўқиган, кўрган ё эшитган одам ҳеч қандай маънавий озуқа олмайди.

Журналистлар тайёрлашда бир нарсага эътибор бериш керак, деб ўйлайман. Бу соҳага қалами бор, истеъдодли ёшлар танлаб олинади, яъни уларда ёзиш малакаси шаклланган бўлади. Лекин, нима учундир, уларнинг аксарияти бирор жиддий мақола ёзмасдан диплом олиб кетаверади. Назаримда, бу ҳақда ўйлаб кўриш керак.

Санъатшунос-журналистлар кўплаб етиштирилаётганига қарамай, бугун театр, кино, мусиқа ва санъатнинг бошқа йўналишларида яхши профессионал мақолалар, суҳбатларга эҳтиёж катта. Бугун қўйилаётган спектакллар, суратга олинаётган фильмлар, кўшиқлар, тасвирий санъат асарлари профессионал таҳлил қилинган, камчиликлари рўйи рост кўрсатилган, ютуқлари эътироф этилган мақолалар сув ва ҳаводек зарур. «Танқид — келажакнинг меваси» деб бежиз айтилмаган. Зеро, танқид бор жойда ўсиш, ривожланиш бўлади. Ёш истеъдодли санъатшунос журналистлар сафи кенгайишини, матбуотимиз саҳифаларида санъат ҳақида пишиқ-пухта мақолалар кўпайишини истардим.



**Кутлибека РАХИМБОЕВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими:**

— Журналистнинг бирламчи вазифаси нима?
— Одамларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш, уларни маълумотлардан хабардор қилиш, — деб жавоб беради кўпчилик.

Аслида бу жавобда ҳам ҳаттолик йўқ бўлса керак-ку-я, лекин мен бу саволга:

— Қаламкашнинг бирламчи вазифаси юртга, табиатга, тинчликка, одамларга, умуман, ҳаётга, борлиққа муҳаббат уйғотиш, — деб жавоб берган бўлардим. Чунки севган қалб ҳимоя қилади, авайлаб-асрайди, курашади. Биз инсониятда кўрмоқчи бўлган барча фазилатларнинг дояси — муҳаббат. Муҳаббатсиз юраклар кўрқинчли. Хиёнат ҳам, ғафлат ҳам, лоқайдлик, меҳрсизлик — ҳаммаси муҳаббатсиз юракда ин куради.

Оддийгина бир мисол: кўчамиз, маҳалламиз, шаҳару қишлоқларимизнинг чиройига соя солаётган, гулзорлар, ариқларга ташлаб кетилаётган чиқиндилар ҳақида ёзмаган журналист кам бўлса керак. Лекин кўпчилигимиз шу манзаранинг ўзини ёзамиз, кимнидир тарбиясизлик, бепаросатликда айблаймиз.

Аслида гап муҳаббатда. Боламизни, онамизни яхши кўрамиз. Ўзимиз-ку икки дунёда уларга хунуқлик берадиган нимадир чапламаймиз. Худди шун-

дай ҳовлимиз, уйимизни қиртишлаймиз. Битта барг тушса, битта супурамиз. Нега кўчага, маҳаллага ширинлик ўрови-ю сигарет қолдиғи, автобус чиптасини бемалол ташлаймиз? Нега ўша ерни барчамиз ҳам онамиздай, фарзандимиздай, уйимиздай севмаймиз?!

Шукрки, халқимиз дилида она заминимизга чексиз муҳаббат борлиги учун ҳам қувончлар, муваффақиятлар бор. Юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон, осмонимиз мусаффо. Лекин барибир муҳаббатга ҳаётимизда эҳтиёж катта. Журналист қандай мавзунга қаламга олса ҳам, ниятида муҳаббат бўлсин! Қаламимизда юртим деб яшаётган бедор юракларнинг зарблари доим сезилиб турсин!

**Аҳроп АҲМЕДОВ,
«Шарқ» нашриёт-матбаа компанияси
бош муҳаррири:**

— Соҳадоларимизнинг меҳнатларини ҳурмат қилган ҳолда, энг оғир, заҳматли, таъбир жоиз бўлса диққинафас, қора меҳнат касб назаримизда ноширликдир. Битта қўлёзма нашриётнинг бу эшигидан кириб, у эшигидан тайёр китоб ҳолида чиқиб кетгунча 40 дан ортиқ жараёнлардан ўтади. Эвазига китобнинг энг охириги саҳифасида ноширларнинг исми-шарифи майда ҳарфлар билан тиркаб қўйилади, холос. Муҳими китоб кўркам, пишиқ-пухта, бекамукўст, бехато, ранг-у расмлари тиниқ, бўёқлари яшнаб чиққан бўлса бўлди. Ноширнинг бахти, қувончи, мурод-муддаоси шу. «Яхши китоб чиқибди» деган гап унга мукофот. Ноширликнинг завқи, файзи ҳам мана шунда.

Ҳозир мамлакатимизда барча соҳалар қатори ноширлик-матбаачиликка жуда катта эътибор берилмоқда, кенг имкониятлар яратилмоқда. Мустақилликкача юртимизда атиги 9 та нашриёт бўлган бўлса, ҳозир уларнинг сони 100 дан ошди. Эътиборли жиҳати, уларнинг ярмидан кўпи хусусий нашриётлардир. Бу янги имкониятлар, рақобат, тараққиёт, ранг-баранглик дегани. Ҳамма гап мана шу имкониятлардан тўғри, масъулият билан, жуда катта салоҳият ва жонфидолик билан фойдаланишда. Тўғриси айтганда, кейинги йилларда хом-хатала, савиясиз китоблар ҳақида турли даражадаги давраларда кўп гап бўлди. Мақолалар, кўрсатувлар бўлди. Бевосита таалуқли бўлмасда, баъзан соҳанг, касбинг, эътиқодинг, умр йўлинг шу бўлгандан кейин алам ҳам қилади.

Ҳозир ўрточа ҳар йили 2 ярим минг номда китоб чиқаяпти. Агар уни мамлакатимиз аҳолиси сонига бўлсак, бир кишига неча китоб тўғри келади? Аниқроғи, неча кишига бир китоб тўғри келади? Шу ҳолнинг ўзиёқ соҳамиз имкониятлари, истиқболлари кенглигидан далолат. Ҳозир етакчи нашриётларимиз дунё миқёсидаги китоб ярмаркаларида изчил қатнашиб келишмоқда. Ҳар йили Франкфуртда бўладиган энг нуфузли китоб намоишида совринли ўринларни олиб келишаётганининг ўзиёқ фикримизга исбот бўлади. Мана уч йилки май ойининг охирида «Республика китоб байрами» ўтказиб келинмоқда. Сентябрьда эса «Болалар китоблари фестивали»ни уюштириш ҳам аънамага айланди.

Муҳтарам Президентимизнинг «Матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг



хаётимиздаги ўрни ва таъсири ортиб бориб, халқимиз ўртасида «Тўртинчи ҳокимият» сифатида тобора катта ишонч ва ҳурмат қозониб бораётган экан, бунинг негизида авваламбор журналистлар, кўп ҳолларда кўзга ташланмайдиган камтарин муҳаррирлар, ноширлар, матбаа соҳаси ва замонавий ахборот коммуникация тармоқларининг минг-минглаб заҳматкаш ишчи-хизматчиларининг кундалик оғир ва сермашаққат меҳнати мужассам» деган сўзларини биз доимо ёдда сақлаймиз. Бу эътибор бизга илҳом беради, айни пайтда масъулият ҳам юклайди.

**Хулкар ҲАМРОЕВА,
Филология фанлари номзоди:**

— Радиожурналистикага ҳавас болаликнинг илк қувончлари ва ҳайратлари билан қоришиб кетган. Тахминан тўрт-беш ёшларда бўлсак керак, раҳматли аям мен билан укам Ҳамзага ҳар куни шеър ёдлатардилар, кечки пайт ишдан қайтган отам уйимиздаги катта магнитофонга бизнинг овозимизни ёзиб олардилар... Булар СамДУни битирган, қишлоғимизнинг илк олий маълумотли зиёлилари бўлган, ҳавасманд, шоиртабиат ота-онамининг кундалик машғулоти эди. Унгача шеърни (ўзимиз ҳали шеър нималигини билмаймиз) ифодали ўқиш бўйича тарбиявий соат ўтиларди. Уйимизга меҳмон келганда отам шу ёзувларни кўйиб берардилар.

Ўқувчилик йилларимда дугонам Зебинисо билан қишлоқ радиотармоғида ўзимиз тайёрлаган эшиттиришларни олиб борардик. Дастурни асосан мен тузардим. Қишлоқдошларимиз бу «эшиттириш»ларни орзиқиб кутишарди. Йил охирида собиқ жамоа хўжалиги аъзолари қаторида бизга ҳам «иш ҳақи» бериларди. Бу радио-журналистикадаги мен олган илк қалам ҳақи эди...

Ўзбекистон Миллий университетиде талабаларга дарс бериб юрган йилларимда тақдирим яна радио билан туташди. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» радиоканалининг Маориф ва тарбия бош муҳарририясида ишлаш бошладим. Биринчи марта икки соатлик «Ҳамроҳ» маърифий мусикий эшиттириши билан эфирга чиққанман. Унинг ҳаяжонлари биринчи ёдлаган шеъримнинг қувончларидек ҳамон юрагимни тарқ этгани йўқ. Ҳозир ҳам студияда, микрофон олдида эшиттиришимни бошлар эканман, илк ҳаяжонлар юрагимнинг қайсидир бўлакчасида гимирлаб қолади...

Ўзбекистон Қаҳрамони, муҳтарам устозим Озод Шарафиддинов биринчи тингловчим ва биринчи танқидчим эдилар. Таниқли суҳандон Д. Зуннунов, профессор С. Содик, доцент С. Умировлар ҳар бир эшиттиришимизни тинглаб, албатта фикрларини

билдиришарди. Мен улар қаторида минглаб-миллионлаб тингловчиларимизнинг фикр-мулоҳазаларини битта дарс сифатида қабул қилардим, ҳар ой юртдошларимиздан кўплаб мактублар олардик.

Радио-журналистиканинг тезкорлиги, ҳозиржавоблиги, радиони етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган юртдошларимиз учун очиқ ва эркин минбар эканлиги ишимизга ҳамиша масъулият билан ёндашишга ундайди. Дастурларнинг эшитимли бўлиши баробарида тингловчини мушоҳадага ундаши, ўз оиласи ва она Ватани тақдирига ўзини дахлдор деб билишига даъват этиши ўзининг самарасини бермоқда. Юртдошларимиз радиони биринчи навбатда «кун ҳамроҳ, тун ҳамроҳ» самимий дўсти, вақти келса маслаҳатчи, устоз деб билиши бизни ҳамиша руҳлантиради.

Саодат ЎРМОНОВА,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист:

— 1988 йилда ўқишни тугатиб, телевидениега ишга келганман. Ушанда мамлакатимизда республика миқёсидаги ягона «Ўзбекистон» телеканали бўларди. Бизга 10 дақиқалик лавҳа тайёрлаш учун атиги 15 дақиқалик плёнка бериларди. 45 дақиқалик кўрсатув учун 4 соат монтаж вақти ажратиларди. Шахсий архивимдаги эфирдан ёзиб олинган кўрсатувлар менга ўша пайтлардаги иш жараёнини ва қийинчиликларини эслатиб туради.

Кейин бир дона «Бетекам» камераси ишга тушди. Техника танқис бўлгани учун навбатда турардик. Ўша кунларни эсласам, ҳозирги вақтдаги имкониятларнинг қадрига етаман. Чунки, бугунги кунда ёшлар ишга келса, ҳаммаси муҳайё. Камера, монтаж хоналаридан истаганча фойдаланиш мумкин. Ижодкорлар меҳнатига берилаётган рағбатлар одамни яна яна ишлашга ундаётгандек бўлади.

Биз жойларда бўлганимизда ўзгаришлар ҳақида кўп гапиришарди. Биз ҳам бундан тўлқинланиб, жўшиб-ёниб таърифлашга интиламиз. Уйлайманки, узоққа бормасдан ён-атрофимизга қарасак, яна қанча янгиликлар, ютуқлар ва натижалар кўзга ташланади. Энг муҳими, булар ҳаммаси инсон манфаати, фаровонлиги учун хизмат қиладиган ўзгаришлар бўлиб, «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!» деган шiorнинг ёрқин мисолидир. Биз буни билиб, ҳис этиб, меҳнатларимиз ва ҳаракатларимиз билан жавоб қайтаришга ўзимизни бурчли деб биламиз.



«Инсон қадри азиз, хотираси муқаддас». Бугунги кунда тез-тез такрорланаётган бу ибора айна пайтда катта ташаббусларга ҳам айланиб кетяпти. Адабиёт, санъат, спорт, фан, ишлаб чиқариш соҳаларида фаолият кўрсатиб, ўз касбининг фидойилари бўлган, халқимизнинг илм-фани, фаровонлигига беқиёс хиссаларини қўшган юртдошларимизни хотирлаш, уларнинг авлодларга қолдирган меросини ўрганиш йўлида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу саҳифада ўзларининг дилбар шеърлари билан халқимизнинг юрагидан жой олган шоирлар Пўлат Мўмин, Зоҳиджон Обидов, Назарматнинг кўшиқларда яшаётган шеърларидан ва адабиётшунос олим Матёқуб Қўшжонов умрининг сўнгги йилларида ёзган битикларидан эътиборингизга ҳавола этдик.

Intizorlik daftar ochgan kechalar

Матёқуб ҚЎШЖОНОВ

Пўлат МЎМИН

ОДАМ ҚАДРИ

Одам қадри! Катта маъно бор бу иборада. Бутун инсоният тарихида неки хайрли иш бўлса, барчаси шу калимада мужассам ифодасини топади.

Одам туғилади, ўсиб улғаяди. Камол топиб, ҳаёт уммонига шўнғийди. Бу уммонда кимлар ва нималар йўқ дейсиз! Шу бахр ичра у яхши-ёмон кунларни бошидан кечиради. Кўнгил ва кўнгилсиз ишлар гувоҳи бўлади. Ҳар хил одамларга дуч келади. Кўпроқ яхшилар учраса бахти, улар сафига интилади. Кўпроқ ёмонларга дуч келса, ишининг қайтгани: ё ҳаётдан жабрланади, ё ўзи ҳам уларга эш бўлиб кетади.

Шу тарзда мен ҳам турли воқеаларга, ҳар хил одамларга рўпара келдим. Уларнинг бари мен учун сабоқ бўлди. Ёшлик пайтларимда кўпроқ қариндош-уруғ, ёр-дўст, тенгдошларим — оддий меҳнаткашлар муҳитида вояга етдим. Бу элнинг барчаси — мохир деҳқону хунармандидан тортиб, девонасигача сабоқ ё ибрат бўлди мен учун. Уларга «Дагиш» номли эсдаликларимни бағишладим.

Иккинчи жаҳон уруши мени турли-туман миллат, турли хислатдаги одамлар билан учраштирди. Улар ичида кимлар йўқ эди! Бу муҳит мен учун қисмат мактаби бўлди. Шулар ҳақида «Алам» номли уруш эсдаликларимда батафсил тўхтадим.

Бу инсонлардан ҳар бирининг ҳаёт тарзи, шахсий хислатлари, жамиятда тутган ўрнига ҳавас билан қарадим. Доим улардан нималарнидир ўрганишга уриндим, сабоқ изладим. Ўз навбатида, улар ҳам менга хайрихоҳлик билдирдилар, яхшиликларини аямадилар.

Талабалик чоғларимда Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти Қори Ниёзий тортинмай учрашиб, бемалол гаплашаверса бўладиган алломадек туюлди менга. Улуғ адиблар Ойбек, Абдулла Қаҳҳорлар билан фақат ижод юзасидан эмас, балки дуч келган шахсий муаммоларим борасида ҳам дардлашувим, мадад олишим мумкин бўлган сиймолар эди. Институт, университетлар эшигидан кириб, кўзим тушган профессорлар Ғойиб Напасов, Воҳид Абдуллалар энг яқин кишиларим бўлиб қолишди...

Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Озод Шарафиддинов сингари сафдошларим билан эса адабиёт майдонига бирга кириб келганмиз. Табиийки, уларнинг ҳаёти ва ижоди ҳам мен учун катта мактаб бўлди. Менинг ҳаёт тажрибам, илмий излашниларим эса улар учун бефойда ўтмаган бўлса керак, деган хуш фикрдаман...

ЭЙ, МУҲАББАТ...

Эй, муҳаббат, бунчалар фусункорсан,
Эй, муҳаббат, оромбахш, беғуборсан,
Эй, муҳаббат, гоҳида дилозорсан,
Эй, муҳаббат, қалбимда мудом борсан!
Муштоқдирман доимо меҳрингга ман,
Ҳар юракка туширган муҳрингга ман,
Лол қолганман кўрсатган сеҳрингга ман,
Эй, муҳаббат, ёки сен сеҳргарсан!
Ўйламаган юракларни ўйлатасан,
Ўйнамаган юракларни ўйнатасан,
Йиғламаган дилларни йиғлатасан,
Эй, муҳаббат, ёки сен ҳукмдорсан!
Йўл қўясан баъзида хатога ҳам,
Баробарсан сен шоҳу гадога ҳам,
Не кулфатлар солмадинг Лайлога ҳам,
Эй, муҳаббат, ёки сен жафокорсан!
Истардим ман, дилларни куйдирмасанг,
Ҳижронларга асло йўл қўйдирмасанг,
Ошиқни ҳам жонидан тўйдирмасанг,
Эй, муҳаббат, малҳаму шифокорсан!
Эй, муҳаббат, Мўминга мадақдорсан!

Зоҳиджон ОБИДОВ

КУЙЛА, ДИЛКАШ ДУТОРИМ

Куйла, дилкаш, садоқатли дуторим,
Ёзиб дилдан ёр ишқида хуморим.
Қалб садоси бўлиб янгра қўлимда,
Зарра қўймай бу кўнгилнинг губорин.
Ҳамдамим бўл, уйку қочган кечалар,
Интизорлик дафтар очган кечалар,
Ҳар пардада висол шомин эт яқин,
Қўмсатур ёр бирга юрган кўчалар.
Дардлашурман бошинг босиб кўксима,
Ёр келганда четда қолиб ўксима.
Ёр кетганда қўлга олиб ўртаниб,
Дилкашим бўл, нозланиб сен йўқ дема.

НАЗАРМАТ

РАЪНО

Табиат гуллари ранг танлаганда
Камалак чиройин сенда кўрганми?
Ошиқлар ёрига гул жамлаганда
Гўзаллик рамзи деб сендан сўрганми?
Наргиз бор, сапсар бор, гултожихўроз,
Намозшом гуллари — тун фариштаси.
О, Раъно нимасан, бўл менга ҳамроз,
Гулмисан, ё юрак, ё ишқ риштаси.



YOSHLAR MA'NAVİYATINI YUKSALTIRISHDA MUZEYLARNING TUTGAN O'RNINI

Музейлар маълум бир халқнинг тарихи, давлатчилиги, табиати ҳамда миллий маданиятини тарғиб қилувчи муҳим масканлар ҳисобланади. Ана шу мақсадда республикада фаолият олиб бораётган нуфузли музейларимиз: Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи, шунингдек, Қатагон қурбонлари хотира музейи мутасадди ходимлари ҳамда бу ерга ташриф буюрган ўқитувчилар, талабалар ва ота-оналарга музейларнинг ёш авлод тарбиясидаги ўрни бўйича саволлар билан муносабат қилдик. Қуйида улардан олган жавобларимизни Сиз журналхонларимиз эътиборига ҳавола этмоқдамиз.

Тўлқин ҲАЙИТ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими:

— Темурийлар тарихи давлат музейида улғ аждодларимиз — Амир Темур ва темурийлар даврининг моддий ва маданий ёдгорликларини ўрганиш, шу асосда ёшлар қалбида ўз аجدодлари меросига нисбатан ифтихор туйғуларини шакллантириш, уларга муносиб ворислар сифатида улғайтириш мақсадида йирик лойиҳалар, турли халқаро илмий анжуманлар, эътиборли давра суҳбатлари ўтказилиб келинмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ана шу тадбирлардаги энг яхши маърузалар жамланиб, мажмуа ҳолида чоп этилмоқда ва ўқувчилар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Муҳтарам Президентимизнинг «Музей — халқ тарихининг кўзгуси эканлигини назарда тутсақ, у шу

халқнинг фарзандлари — келажак авлод қалбида фахр-ифтихор туйғусини уйғота олиши керак. Бизнинг вазифамиз эса буюк тарихимизни мана шундай маърифий масканлар ёрдамида авлодларимизга тўлалигича етказиб беришдан иборат» деган гаплари ҳам ёшларимиз маънавиятини юксалтиришда музейларнинг ўрни нақадар бекиёс эканлигини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат музейларининг болалар ва уларнинг ота-оналарига очиклигини таъминлаш чоралари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Темурийлар тарихи давлат музейига ҳар ҳафтанинг сешанба ва жума

кунларида ёшларимиз учун бепул экскурсиялар уюштирилаётгани ҳам ўз самарасини бермоқда. Ушбу даргоҳга бугунги кунгача 60000 дан зиёд болалар ва уларнинг ота-оналари ташриф буюриб, фарзандларини музей экспозицияси ва кўргазмалари билан таништиришлари қувонарли ҳолдир.

Жаннат ИСМОИЛОВА,
Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори:

— Мустақилликка эришганимиздан кейин музейлар фаолияти тубдан ўзгарди. Унутилган ва унутилаёзган тарихимизни қайта тиклашга имкон туғилди. Жумладан, буюк шахсларимизнинг номларини тиклашга эришдик. Салкам йигирма тўрт йил мобайнида республикадаги деярли барча музейлар тарихимизни тўлақонли ёритишга муваффақ бўлди. Ушбу музейлар қаторида Ўзбекистон тарихи давлат музейи ҳам ўзининг экспозициясида янги саҳифа ва бўлимларни очди ҳамда тарих саҳифаларини тиклаб, халқимизга, ёшларимизга тарғиб қилишни амалга оширди.

Бизнинг музейимиз республикада энг қадимги даврлардан тортиб бугунги кунгача тарихий воқеаларни яхлит ёритувчи ягона музей ҳисобланади. Музейимизга ташриф буюрган киши ўзбек халқининг тарих саҳнасида чиққан даврдан то бугунгача бўлган тарихини кўриб, таҳлил қилиб, баҳо бера олади.

Миллий тарихимиз нафақат республикада, балки бутун дунё учун ҳам ибратли. Чунки бизнинг худудимиздан етишиб чиққан алломаларимизнинг илмий мероси ҳамisha дунё илмий жамоатчилигининг



диққат марказида бўлиб келган. Самарқандда бўлиб ўтган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти» халқаро конференцияси ҳам бунга мисол бўла олади.

Музейимиз эшиклари, ёшларимиз учун очиқ. Сабаби музейимиз олий ва ўрта таълим муассасаларида ўқиётган талаба ва ўқувчиларимизга ўқитилаётган тарихга мос равишда ташкиллаштирилган. Улар ўқув юртларида олаётган назарий билимларнинг музейимизда далиллар билан амалий тасдиғига гувоҳ бўлишади. Бу ҳол ёшларимизнинг Ватан тарихини билишга бўлган қизиқишини кучайтириш билан бирга, уларнинг дунёқарашини кенгайтиради ҳамда аждодларга бўлган ҳурматини янада ортиради.

Музейда ҳозирда 300 мингдан ортиқ экспонат сақланади. Ҳар бир давлатнинг юзи ҳисобланган музейлар ёшлар тарбиясида алоҳида аҳамиятга эга. Ҳозирда ёшларни музейга жалб қилиш борасида турли лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз. Тўрт ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган болаларнинг билим ва кўникмаларини шакллантирувчи махсус бўлимлар очдик. Уларда талабаларимиз учун диплом ишларини музейга боғлиқ ҳолда олиб бориш ишларини йўлга қўйганмиз. 2-3 йилдан бери Камолитдин Беҳзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институти талабаларининг тарихий мавзудаги ишлари — асарларини музей деворларида акс эттирмоқдамиз.

Шанба, якшанба кунлари ота-оналарни болалари билан музейга келишга ўргатдик. Бу бизнинг ютуғимиз бўлди. Маълумки, ҳукуматимиз томонидан сешанба, жума кунлари музейга кириш бепул бўлиши жорий қилинди. Бу ҳам давлатимизнинг ёшларга бўлган эътиборининг яна бир далилидир.

**Неъмат ХОЛМУРОДОВ,
Жомбой туманидаги 22-умумий таълим
мактаби тарих фани ўқитувчиси:**

— Музейлар, минг-минг йиллик тарихимизнинг ўзига хос кўзгуси. Ҳеч ёдимдан чиқмайди, улуғ шоирларимиздан бири Самарқанддаги Регистон мажмуаси, Амир Темур мақбараси, Улуғбек расадхонаси ҳақида гапирар экан «Болам, бундай жойларга мунгайиб кирсанг, гердайиб чиқасан» деганди.

Дарҳақиқат, музейлар ёшларда ўтмиш тарихимиз, маданиятимиз, давлатчилигимиз, аждодларимиз даҳоси тўғрисида маълумот берибгина қолмай, улар кўнглида миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантиради. Улар каби улуғ мақсадлар билан яшашга ундайди. Шу боис, биз доимо ўқувчиларимизни музейларга олиб борамиз. Музейларда дарслар ўтамиз. Бу ўзининг жуда катта самарасини беради. Мен ҳар бир ота-онага мурожаат қилгим келади: болаларингизни музейларга олиб боринг, шунда сиз улар кўзида ҳайратни, ғурурни, ифтихорни кўрасиз. Музей — ўзига хос бир китоб. Уни ўқиган боладан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. Ўқувчиларимизни, фарзандларимизни музейларга олиб бориш ҳар биримиз учун доимий анъанага айланишини жуда истардим.

Манзура ХАМРОЕВА, шифокор:

— Фарзандларим билан дам олиш кунлари кўнгли очар жойлар, кино ва концертларга кўп борар эдик. Бир куни телевизорда музейлар ҳақида кўрсатув бўлди. Болаларим шу музейга борайлик, дейишди. Қайси музей экани эсларида йўқ. Якшанба куни таваккал қилиб Ўзбекистон тарихи давлат музейига олиб бордим. Уларни залдан-залга ҳайрат билан



Ўтиб юришларини кўриб, ўзим ҳам қизиқиб кетдим. Катта бир тарихни икки соатда айланиб чиққандек бўлдик. Айниқса, мустақиллик даври тарихи бўлимига ўтгач, кўнглимиз ёришиб кетди. Болаларим музей ходимасини саволларга кўмиб ташлашди. Энг қизиғи — улар музей зўр экану, биз кўрган музей бу эмас эди, деб янаги яқшанба бошқа музейга борамиз деб туриб олишди. Шундай қилиб, шаҳардаги жуда кўп музейларни айландик. Ҳар гал янги-янги таассуротлар билан келсак-да, улар ўзлари телевизорда кўрган музейни сўрайверишади. Энг муҳими, музейларда юриб, фарзандларимнинг тарихимизга меҳри ортганини ҳис қилдим. Улар буюк аждодларимиз ҳақида тинмай сўрайдиган, ўзаро баҳслашадиган бўлишди. Уларнинг дунёқараши ўзгарди, Ватан ҳақидаги тушунчаси бойиди. Мен ўша номаълум кўрсатув ходимларига миннатдорчилик билдирмоқчиман. Шу кўрсатув баҳона қанча маънавий дам олдик. Музейлар олами бизни маҳлиё қилди. Энди юртимизнинг бошқа тарихий шаҳарларига, у ердаги музейларга боришни мақсад қилдик. Бошқа отоналарга ҳам фарзандларини музейларга олиб боришни тавсия қиламан.

**Улуғбек ХУДОЙКУЛОВ,
Тошкент шаҳридаги 307-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби ўқувчиси:**

— Мен дастлаб, саккиз ёшимда ота-онам билан Ўзбекистон тарихи давлат музейига борганман. Яқинда устозимиз Тожигул Абдуллаева ҳамда синфдошларим билан яна бир бор шу музейда бўлдик. Биз тарих дарсларидан ўрганган Ватанимизнинг ўтмишини бу ерда ҳайрат билан томоша қилдик. Устозларимиз Табиат музейига, Адабиёт музейига, Амалий санъат музейига олиб боришганида ҳам кўп-кўп таассуротлар билан қайтамиз.

Менга Самарқанд шаҳридаги музейлар жуда ёқади. Регистон майдонидаги Улуғбек мадрасасида Алишер Навоий яшаган ҳужра бор экан. Ҳужра худди Навоий бирозга чиққану, ҳозир қайтиб келади-гандек таассурот қолдирган. Самарқанддаги тарихий жойларнинг ҳар бирини кўриб, тарихга кириб қолгандек бўлганмиз.

**Бахтиёр ҲАСАНОВ,
Қатағон қурбонлари хотира музейи директори:**

— Ўзбекистон Фанлар Академияси тизимидаги Қатағон қурбонлари хотира музейи Истиқлол даврида Президентимиз ташаббуси билан ташкил этил-

ган. Бу ерда нафақат тарихий экспонатлар, шу билан бирга, тегишли илмий ишлар ҳам намойиш этилади.

Музейга ташриф буюрган ёшу кексалар бино ичида ўрнатилган ахборот базаларига кириб, қатағон қурбонлари ҳақида муҳим маълумотларни олиш имкониятига эга. Хужжатли фильмлар, мултимедиалар, шунингдек, қатағон даври билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларга гувоҳ бўлганларнинг хотира қайдлари ва кўрсатмалари кўргазма залларимиздан жой олган. Бу, албатта, ёшларимизнинг ўтмиш тарихимизни билишларида жуда катта рол ўйнайди. Негаки, музейимизга ташриф буюрадиганларнинг кўпчилигини ёшлар ташкил этади. Яъни бир йилда 60-70 мингга яқин ёшлар музей залларида бўлиб, етарлича маълумотларга эга бўлишади.

Музейимизнинг учинчи залида мустақилликка эришганимиздан кейин миллий тарихимиз, қадриятларимиз, урф-одат ва дину диёнатимизнинг тикланиши ҳамда қатағон қурбонлари хотирасининг абадийлаштирилиши йўлида олиб борилган хайрли ишлар мажмуалари намойиш этилади. Шунингдек, бугунги кунда спорт ва санъат соҳаларида эришаётган ютуқларимиз ушбу зал экспозицияларидан кенг ўрин олганини кўрамиз. Ёшларимиз бу ерда ўтмишдан сабоқ чиқариб, мустақиллик нақадар буюк неъмат эканлигини, келажакда уларни улкан ишлар кутиб турганини англаб етишади.

**Гулбахор САРИМСОҚОВА,
Тошкент вилояти, Зангиота тумани 47-умумтаълим мактаби ўқитувчиси:**

— Музейга ташриф буюрар эканмиз, экспонатларни кўриб, тарихга сайр қилгандек бўлдик. Бу ерда экскурсаводларнинг маълумотларини тинглаб ёшларимиз Ватан озодлиги, мустақиллик йўлида шаҳид бўлган ота-боболаримиз, юртдошларимиз ҳақида тўла маълумотга эга бўлишди. Учинчи бўлим, яъни Мустақиллик даври кўргазмалари ҳам ўқувчи ёшларимизни бефарқ қолдирмади. Улар бугунги кунда мамлакатимизда жуда катта ўзгаришлар олиб борилаётганига гувоҳ бўлиш билан бирга ўзлари билган ва таниган шахслар қаторида спорт ва санъат намояндалари суратларини кўриб, ўзларида яна бир бор миллий ифтихор туйдилар.

Шермурод СУБҲОН тайёрлади





MEHR VA HURMATNING go'zal ifodasi

«Ўтган кунлар» кинофильмидаги Кумуш Отабекнинг қўлига сув қуйиши лавҳаларини кўз олдингизга келтиринг-а! Жуда ҳам чиройли, ўша манзарадан илиқ ҳарорат, меҳру бахтиёрлик уфуриб турганга ўхшайди, менимча. Агар фильм қаҳрамонларининг шу лаҳзалардаги ҳолати, кайфиятини кузатиб, «Кумуш сув қуйди, Отабек қўлини ювди», деб хулоса чиқарсак, қашшоқ қалбнинг кўзи юмуқ, калта ўйлайдиган томошабинига айланамиз. Ақлу муҳаббат кўзи билан кузатсангиз, обдаста билан чилопчин миллатимизнинг ўзаро ҳурмат-эъзози, уйига кириб келган ҳар қандай одамга эҳтиромини ифодасидир.

Ёшлигимиздан ҳамма хонадонларда обдаста билан чилопчин(дастшўй) бўлиши оддий ҳолат. Ҳали-ҳануз кўз олдимда туради: уйимизнинг олдидаги айвон сарҳадида икки қатор пишиқ гишт урилганди. Унинг чеккароғидаги алоҳида жойда ҳар доим чилопчин билан обдаста турарди. Онам бу буюмларни ишлатиб бўлишимиз билан яна ўрнига қўйишимизни талаб қилар, кимдир эшикдан кириб келса, ахтариб юрмай, дарров ўша жойдан олиб қўлига сув қуйишимизни тайинларди. Қадимдан ҳар бир ўзбек хонадонининг энг зарур буюмлари қаторида бўлган обдаста ва унга қўшилиб чилопчин қачон пайдо бўлганини айтишга менда билим етарли эмасу, лекин улар ҳаётини эҳтиёж туфайли олдин соддагина кўринишда ясалгани, бора-бора шаклу шамоийли ихчам, қулай, чиройли бўлиб боргани тайин гап. Балки, тарихимизнинг олис ўтган кунларидан бирида бобою момоларимиздан бири бу идишларни бетоб ёки кексайиб куч-қувватдан қолган ота-онасининг олдида олиб кириб юз-қўлларини ювгандир. Ёки кексалар, меҳмонлар ҳовлисининг бир чеккасида оққан сув ёқасига бориб юришларини истамаган зийрак, меҳрибон инсон шундай усулни қўллагандир... Эҳтимол, бир доно бека кун бўйи ишлаб, оиласи учун топиб-тутиб келган турмуш йўлдошини иззатлаб елкасида сочиғу қўлида сув билан кутиб олгандир... Турмуш эҳтиёжлари билан боғлиқ равишда бундай тахминларни яна кўплаб келтириш мумкин, уларни инкор қилиб бўлмайди. Ҳаётини, керакли, муҳими, яхши ниятли кишилардан бундай чиройли ташаббуслар чиқиши табиий. Фақат бизнинг миллатимизга хос бўлган бу одат шу тариқа келиб чиққан ва элга манзур бўлиб чиройли қадриятларимиз қаторига қўшилган бўлса, ажабмас.

Лекин кейинги пайтларда жуда кўп хонадонларда обдаста билан чилопчинлар ишлатилмайдиган ёки ноёб буюмлар қаторидан жой оладиган ёки умуман эсдан чиқариладиган бўлди, шу билан боғлиқ равишда ёшларнинг кексалар ва хонадонга кириб келган меҳмонларнинг қўлига сув қуйиб, сочиқ тутиши ҳам камёб ҳодисага айланиб бормоқда. Бунинг сабаби ҳам бор: деярли ҳамма ҳовлию уйларда сув оқиб туради. Айниқса, шаҳарларнинг кўп қаватли хонадонлари эшигидан киришингиз билан иссиғу совуқ сув оқиб турадиган ҳаммом рўпарангизда. Бир қадам жойга кириб қўл ювиб чиқиш қийинми? Масалага бундай ёндашув миллий урф-одатларимизнинг

маънавий-ахлоқий, эстетик жиҳатларини ҳис этмасликдан келиб чиқади, менимча.

Пири бадавлат боболаримиз, кайвони момоларимиз ҳар доим келинлари, фарзандларига: «Меҳмонни дарвозадан кириб келиши билан хурсанд қилинглар. Унинг ташрифидан қувонганингиз юз-кўзингиз, сўзларингиз, ҳаракатларингиздан билинсин. Шунда у уйингиздан кетгунича хурсанд, яхши кайфиятда бўлади. Агар дарвозадан кириб келганда малол олганингизни сезса, кейин дастурхонни дунёнинг нозу неъматларига тўлдириб ташласангиз ҳам фойдаси йўқ, меҳмон ўзини ноқулай ҳис қилаверади», — деб таъкидлашаркан. Қай бири сизни соғиниб, қай бири ота-онасининг қадрдони бўлганингиз учун қадрлаб ёки эҳтиёж туфайли остонангизга қадам қўйган меҳмонга меҳрингиз, ҳурматингиз, келганидан хурсанд бўлганингизнинг бир ифодаси унинг қўлига сув қуйиш бўлса ҳам, ажабмас. Сув билан нафақат қўлининг тоза бўлишига, балки кўнглидаги ғуборнинг ҳам ювилишига сабабчи бўласиз. Обдаста ва чилопчин ёрдамида бу иш пишиқ-пухта бажарилади, чунки қўлни ювиб тушган сув ерга сочилиб кишининг кийим-бошига сачрамайди. Қўлларидан одбастаю чилопчин, елкасида оппоқ сочиқ билан ўзбекона либосларда қай бири ним табассумда, яна бошқаси офтобдек чарақлаб, қай бири ҳаёдан юзлари ловуллаб отаси, онаси, қайнонаю қайнотаси, куёви, меҳмон ёки ширинтой болаларнинг қўлларига ҳурмат-эҳтиром билан сув қуяётган қизлар, келинлар, бекалар, ўсмир йигитларни кўз олдингизга келтиринг. Худди шу лаҳзаларда кўнгли кўнглига боғланади, юзларда миннатдорчилик балқийди, чин дилдан ният ва дуоалар қилинади, гиналар бўлса унутилади. Ота-онасию меҳмонларнинг қўлига сув қуйишга одатланган қиз келин бўлиб тушган жойида бу иши билан муҳаббат қозонади, бошқаларнинг пойабзалини тартибга солишга оғринмайди, каттаю кичикнинг ўрнини, иззатини билади. Қизларнинг сепига атай бу буюмларнинг олиниши келин ўз хобхонасида юз-қўлини ювиб, чиройли бўлиб ҳовлига чиқсин, деган ниятда қилинади. Ҳовлига юз ювиб, кейин чиқиш хонадондагиларга нисбатан ҳурмат белгисидир. Момоларимизнинг ишларида ҳикмат кўп.

Яратгувчининг бемисл неъматини — меҳр-муҳаббат, ўзаро эҳтиром, самимиятга ҳар лаҳза ташнаимиз. Қалбларни улуғлайдиган маънавий бойликларни асраш, қадрлаш ва авлодларга етказиш — ўзбек деган ном дунёда азизу эътиборли бўлишига ҳисса қўшиш. Зеро, қалбларга экилган меҳр ниҳолларининг меваси икки дунёмизга татирлидир.

**Муҳтарама УЛУФОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими**





Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 декабрдаги «2011-2015 йилларда Маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари Дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги 322-сонли қарори ижроси юзасидан мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида





Фотонавҳалар





EZGULIKKA BAXSHIDA UMR

Устоз, таниқли элшунос олим Билло Аминов ҳақида сўз кетганда беихтиёр тилингизга «Меҳр-жон бобо» ёки «Ҳикмат бобо» деган сўзлар келади. Кўнгли эзгулик ва яхшиликларга, меҳрга тўлиқ фидойи олимга бу ном ярашади. Эзгу анъана ва қадриятларимизни тиклаш, асраш, ривожлантириш борасида Билло Аминовнинг ўз ўрни ва хизматлари бор.

Бугун Билло ота гарчи 80 ёшни қоралаб қолган бўлса-да, ҳассага суянган ҳолда ҳам ёшларга ҳикмат улашишдан чарчамайди, аксинча жажжигина, энди тили чиқиб гапиришни бошлаган болажонлар улуғлар ҳикматидан ёдлаб беришганда, завқи ичига сиғмай, — «Баракалла, баракалла», — дея нафақа пулидан олиб қўйган ширинликларни уларга улашиб, болаларни янада бийрон сўзлашига кўмаклашиб келадилар.

Пойтахтимиздаги Олматор тумани, Мирзо Ғолиб маҳалласида яшовчи камтар, камсуқум Билло отани катта кичик, ёшлар, болалар бирдай яхши кўриб ҳурмат қилишади.

Дастлаб «Этнография» фанини ўзлаштирган Билло ота 1988 йили «Этнография оламига саёҳат» номли китобини нашр эттирди. Бу китоб орқали ушбу йўналишга хос хижатларни, турфа одат ва анъаналарни ниҳоятда қизиқарли тарзда очиб берди.

Олимнинг иккинчи китоби «Кулгимиз оламини тутсин» деб номланди. Бу китоб ҳам тез орада ўз

ўқувчиларини топди. Бу асар халқимизнинг кулгисеварлиги, кулгининг сир-асрорлари ҳақида маълумот беради.

Таниқли журналист Тўлқин Расулов билан 1993 йили чоп эттирган «Аждодларимиз нидоси» китоби ҳам катта аҳамиятга эга. Бу китобда ҳаёт гултожи бўлган инсон улуғланади, ўлим ва ҳаёт ҳақида сўз юритилиб, марҳумлар билан боғлиқ урф-одатларимиз,

чи Искандар Раҳмон билан 2012 йили «Собит қадам» деб номланган ҳарбий аскарлар учун қўлланма ҳам чоп эттирди.

Элшунос олим 2008 йили «Бозор одобларидан бир шингил», «Хотира ёлқини», «Шарқона бозор фазилатлари», «Қатра дур-нур — Заковат ором машқ ўйинларига эслатма» каби китобларида улуғ алломаларнинг ҳикматлари орқали ибратли маслаҳатлар беради.

Шу муборак ёшда ҳам Билло Аминов ўсиб келётган ёшларни она Ватанимизга муносиб фарзандлар қилиб тарбиялашдек хайрли ишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ўз замонасининг етук инсонлари — Яҳё Ғуломов, Обид Содиқов, Ҳамид Зиёев кабилар билан суҳбатда бўлган Билло ота ҳозир 80 ёшни қарши олмақда. Элшунос олим ёшларга ҳикмат улашишдан чарчамайди. Отахоннинг кўлида ҳаммиша китоб.

— Менинг қалбим элимнинг қалбига туташ, ҳар биримиз элдан ибрат ола-



миллий қадриятларимиз тўғрисида сўз юритилади.

1996 йили олимнинг «Ватан — юракдаги жавоҳир» номли навбатдаги китоби ўқувчилар эътиборига ҳавола этилди. Мактаб ўқувчиларига мўлжалланган қўлланмада муаллиф ёшларда она-Ватан туйғусини шакллантириш, ота-боболар мероси, тарихимизда ёрқин из қолдирган сиймолар тўғрисида маълумотлар берган.

Билло Аминов шунингдек ёзув-

миз, элнинг удум ва урф-одатларидан кўп нарса ўрганишимиз керак. Айниқса, ёшлар ҳаётига халқимиз турмуш тарзида қадрланувчи, соф миллий характердаги урф-одат, таомил ва тартиб-қоидаларни сингирсак, улар тарбиясида гоҳо кузатилаётган салбий жиҳатлардан халос бўлардик. Элнинг маънавий бойлиги ёшларимизга тортиқ бўлсин, — дейди Билло Аминов.

Шожалол ШОҚОСИМОВ

Ўзбек оиласида ўғил фарзанд дунёга келса, полвон бўлсин, деб ният қилишади. Кичикроқ ёшдаги болаларни «полвон» деб эркалатиб чақиривади. Полвонлик шунинг учун ҳам спортдан кўра халқнинг қадриятига кўпроқ тортади. Шу сабаб халқ орасидан чиққан полвонлар тезда тилга тушган. Таниқли полвон Турсунали Муҳаммад билан ўзбек полвонлик мактаби анъаналари ҳақида суҳбатлашдик.

— Полвонлик тарихи ҳақида гапириб берсангиз?

— Хусайн Воиз Кошифийнинг «Футувватномаи султоний» номли китобининг бир боби полвонлик санъатига бағишланган. Унда полвон қандай бўлиши керак, нималарга эътибор қаратиши зарур, ҳаммаси ёзиб қўйилган. Полвон одам ҳеч қачон ўзидан кучсизларни камситиши керак эмас. Аксинча, ожизларга ёрдам бериши, керак бўлса уларни ҳимоя қилиши зарур. Европада рицарлик унвони бор. Агар тарихини ўргансак, моҳиятан бизнинг полвонларимизга хос асрий анъаналарга жуда яқинлигини кўраемиз. Ўз навбатида Шарқ кўп соҳаларда Европага қанчалик таъсир қилганини унутмаслик керак. Полвонликнинг туб моҳиятида мардлик ва олийжаноблик ётади.

Кураш полвонлари ўзаро беллашганда ғалабага интилади. Ва кимдир мағлуб бўлади. Мағлуб курашчи хафа бўлади, қайсидир маънода обрўси тўкилади. Бизнинг пол-

— Полвон бўлишнинг асосида тинимсиз жисмоний машқ, спорт билан шуғулланиш ётади. Матонат билан машқ қилган одам ҳақиқий полвон бўлиб етишади. Лекин Аллоҳ томонидан юқтирилмаган бўлса, бари бефойда. Ўзида иштиёқ, муҳаббат бўлмаса мажбурлаб ҳеч нарса қилдириб бўлмайди. Мен фарзандларим, набираларимни полвонлик билан шуғулланасан, деб мажбурламаганман. Улар намойиш қилаётган томошаларимизни ўз кўзи билан кўрган, қалбида муҳаббат уйғонган. Агар сулола боши ўз ҳаракатлари билан авлодларига намуна бўла олса, унинг фарзанд ва набиралари ўша хунарни давом эттиради.

Фарзандларим ҳақида гапирадиган бўлсам, уч ўғлим, икки қизим бор. Катта набирам Сардорбек полвонлик баҳсларида кўп карра Ўзбекистон чемпиони бўлди. Ўн бешдан ошиқ ўғил, қиз набираларимнинг ҳаммаси полвонлик касбини танлади. Айни пайтда тўртинчи авлодим бўлмиш эварамни ҳам даврага олиб чиқяпман. У даврада ўзини эркин ҳис қияпти. Фарзандларим ва набираларим касбимни давом эттираётганидан бағоят хурсандман.

Байрамларда ўғилларим, невараларим билан бирга томошаларда қатнашиб тураман, саҳнага чиқиб тош кўтараман. Даврада невараларим йўнаб тургандан кейин улар билан бирга тош ўйнагим келади-да. Курашчи одам, кураш



ALPOMISHLAR YURTI BU DIYOR

вонлик санъатимизда кимнидир ерга уриш, обрўсини тўкиш деган нарса бўлмайди. Биз ўзимизнинг бор маҳоратимизни кўрсатишга ҳаракат қилаемиз.

Полвон одам тинимсиз машқ қилиши зарур. Машаққатларни энгиб ўтгандан кейингина ҳақиқий полвон бўлади. Эсимда, ўн икки ёшимда Шохимардонга дам олгани боргандик. У ерда Лочинбек полвоннинг томошаларини кўриб, у кишидан мени ўзига шогирд қилиб олишини сўраганман. Менга яхшилаб разм солган полвон «Сендан полвон чиқмайди, жуда семиз экансан», деди. Шундан кейин бир йил сойдаги тошларни кўтариб, тинимсиз машқ қилиб, келаси йил яна олдига бордим. Лочин полвон мендаги иштиёқни кўриб шогирдликка олишга рози бўлди. Шундан кейин росмана полвонлик ҳаётим бошланди.

— Халқимизнинг буюк полвонлари ҳақида икки оғиз...

— Полвонлик ҳақида гапирар эканмиз, аввало Паҳлавон Маҳмудни эслаймиз, у кишини ёшларга намуна қилиб кўрсатамиз. Яқинроқ давр ҳақида гапирадиган бўлсак, кўқонлик Тўланбой Қурбоновни алоҳида таъкидлаган бўлардим. У киши ўтган йили 85 ёшда оламдан ўтди. Бундан ташқари тошкентлик Аҳмад полвон, самарқандлик Жума полвон, андижонлик Али полвон, ўзимнинг устозим Лочин полвонлар ўзига хос мактаб ярата олган. Мен Жума полвоннинг чиқишларини кўра олмаганман. Қолган полвонларни кўриш насиб қилган.

— Турсунали полвоннинг хунарини бугун фарзандлари, набиралари давом эттирмоқда. Улар полвонликни ўзи танладими ёки ўзингиз шунга йўналтирдигизми?

томоша қилса, қони қайнаб тургандек, полвон даврада бошқа одамнинг тош ўйнатиб турганини кўрса, юраги ҳаприқиб туради. Мен ҳам чиқиб, бир-икки тош кўтариб қўяман. Бу олқиш олиш ёки ўзимни кўз-кўз қилиш учун эмас, шунчаки, хуморимни босиш учун.

— Полвонликнинг ўзига хос сир-асрорлари ҳақида гапириб берсангиз?

— Ота-она фарзандни дунёга келтиради. Устоз эса унга хунар ўргатади. Халқимизда «Устоз отадан улуғ» деган гап бекорга айтилмаган. Бу нақлни ўзгартириб «Устоз отадек улуғ» деб қўллай бошлашди. Бироқ менга қолса отадек улуғ эмас, отадан улуғ дегим келади. Боиси устоз ўзининг хунарини энг нозик сир-асрорларини ҳам шогирдига ўргатади. Унга бор меҳрини бағишлайди.

Ҳамма соҳаларда бўлгани каби, полвонликнинг ҳам ўзига яраша меҳнати бор. Аввало устоз кўриш керак, унинг айтганларини сидқидилдан бажариш зарур. Менга шогирд тушишни истаб жуда кўп болалар келган. Уларнинг 10 тадан биттаси, нари борса иккитаси полвон бўла олган. Машғулотлардаги машаққатларга чидай олмай қайтиб кетганлар жуда кўп. Полвон ижодий сафарларда тобланади. Сафар машаққатлари одамни чархлайди. Совуқда қолган, машина бузилиб, йўлда қолиб кетган кунларимиз ҳам бўлди. Шундай бўлса-да, полвонлик касбини танлаганимдан хурсандман. Томоша пайтидаги одамларнинг олқиши, отахон-онахонларнинг дуолари, ҳавас қилиб тўйларга айтиши, «Ўғлим сиздек полвон бўлсин!» деб ният қилишини кўриб, бошимиз осмонга етади.

Темур АЪЗАМ суҳбатлашди



Vatan ~ she'rlarimning eng go'zal satri

**Саидхон ҲАФИЗОВ,
Фарғона вилояти
Марғилон шаҳри**



ЭНГ ГЎЗАЛ САТРИМ

Бу Ватанда менинг кулгим жаранги,
Илк бор тупроғига босган изим бор.
Отамнинг қалбида кўз очган тилак,
Ардоқлаб Она деб айтган сўзим бор.

Ҳар қатра тупроғин олиб кафтимга,
Лабим босиб турсам қонганимдир ишқ.
Кипригин остида асраган нигоҳ,
Ватан деб, Ватан деб ёнганимдир ишқ.

Аста одимлайман истиқбол сари,
Кафтида кўтариб кўкларга тутар.
Руҳимга жо айлаб буюк мақсадни,
Эрта яна мени Ватаним кутар.

Туйғуларим тутсам аллалаган хуш,
Олтин бешигимнинг ифори, атри.
Қалбим ардоғида юлдузли осмон,
Ватан — шеърларимнинг энг гўзал сатри.

**Аслиддин МУСТАФОЕВ,
Жиззах вилояти
Фориш тумани**



АРАЗ

Тун. Кенг шаҳар.
Қуёш минг зарра.
Бир парда мен томон силкир қўлини.
«Келгин ва ойнадан ичкарига боқ,
Қуритгин юзидан ёшлар қўлини».
Зинадан ўрлайман...
Учинчи қават...
Жазирама ёздан қовжирар йўлак.
Эшик қаршисида турибман, мана.
Уни чертмоқликка бетламас юрак.
Ниҳоят, тиллашди бармоқ ва эшик...
Унинг «кўзчаси»дан
Сездим кўзингни,
«Кетинг!» деди эшик...
Ортга қайтдим хуш.
Ахир, эшитгандим яна сўзингни.
Менга кифоя шу, менга бахтдир шу,
Яна май симирдим ишқ кўзасидан.
Сезяпман ортимдан боқиб турибсан,
Умидим қолган уй деразасидан.

**Зулхумор ОРИФЖОНОВА,
Андижон вилояти
Марҳамат тумани**



* * *

Кўчаларда чироқлар ёник,
Аммо туннинг ваҳми хонамда.
Қуёшимни соғинганимни
Ҳатто айтолмадим онамга.

Ҳар кунгидек шовқинмас ҳаёт,
Чигирткалар куйламас нега?
Йўллардаги ёруғ ёғдулар,
Яна сизни эслатар менга.

Кўкка боқиб турибман ногоҳ,
Кўзларимда юлдузлар расми.
Юрагимда ёнаётган олов,
Сизмасми...



Икромжон АСЛИЙ,
Андижон шаҳри



ИЛТИЖО

Ҳеч яширма дилбарим, кўнглингни оч,
Кўнгли тоза лобарим, кўнглингни оч.

Муддаойинг нелигин билмоқчиман,
Ишқ элига сарварим, кўнглингни оч.

Йўл очай то бахтимиз қўрғонига,
Нури ноёб ҳулкарим, кўнглингни оч.

Кўнглим олдинг сеҳр этиб боққан маҳал,
Кўнгли сирли дафтарим, кўнглингни оч.

Ҳеч уялма, боғда танҳо иккимиз,
Бебаҳо дур-гавҳарим, кўнглингни оч.

Бу ҳаётим қасрин очдинг, вожаб,
Нозаниним, камтарим, кўнглингни оч.

Сенга Икромжон ахир бегонамас,
Эй муруватпарварим, кўнглингни оч.

Илҳом ШЕРАЛИЕВ,
Қашқадарё вилояти
Чирокчи тумани



ҚОРАКЎЗ

Бори ғамларингни елкамга илдим,
Измингда изғидим, истаб битта сўз.
Кўнглим-ку тош эди, ўзим ёш эдим,
Улғайиб боряпман тагин, Қоракўз.

Мудом талпинганим — изларинг каби,
Кўксимни кертгувчи сўзларинг каби.
Қошинг-у кокилинг, кўзларинг каби
Қорайиб боряпман тагин, Қоракўз.

Сарғайдим, ситилди сабри хазоним,
Орзудан кетмадинг, бир дам, армоним.
Қўл чўздим, етмадим сенга, Осмоним,
Кичрайиб боряпман тагин, Қоракўз.

Келмассан... юракнинг тўниши тайин,
Йиғласам, юлдузлар сўниши тайин.
Дунёга нимадир бўлиши тайин —
Мўнғайиб боряпман тагин, Қоракўз.

Наима АБДУРАҲМОНОВА,
Тошкент вилояти
Паркент тумани



ИБРАТ

Фарзанд деган қуёши билан,
Умри ўтди, сезмади момом.
Садоқат-у бардоши билан,
Бу дунёни безади момом.

Тортган эди кўплар қатори,
Уруш деган сўзнинг захрини.
Қайтди бир кун ярим жон ёри
Азобларга бериб бағрини.

Кўп ўтмайин, бир этак бола,
Етим қолди, момом тул қолди.
Яримта дил, яримта юрак,
Боғбони йўқ сара гул қолди.

Саккиз қўрғон, саккизта қалқон,
Тикладилар саккиз бошпана.
Ором нима билмаган бу жон,
Шуқр қилиб яшади яна.

Синовларни енгиб мардона,
Бардош ила ўтдилар момом.
Заҳматларин роҳатдай билиб,
Муродига етдилар момом...





Farishtali yurt

Hikoya



Бир от арава сигарли сўқмоқ йўл Зебунисо энамнинг ҳовлисига олиб боради. Ёнғоқ ёғочидан ясалган бир табақали эшик, муюлишдаги ҳовуз, тарвақайлаб ўсган бақатерак, кекса қайрағоч кун бўйи энамнинг ҳовлиси ва ҳовузга меҳр билан соя ташлайди. Доимо озода, сувлар сепилиб тургувчи бу сўқмоқ йўлни ким, қачон, супуриб-сидириб қўйишини ҳеч кўрмаганман. Сабабини сўрасам, "Фаришталар супуриб, сув сепиб кетишгандир-да", дерди энам. Яланг оёқ юрсам, майин қум зарралари танамга роҳат бағишларди. Таътил бўлди дегунча энамнинг бағрига, оддий, лекин жуда фариштали уйига ошиқардим. Шаҳардаги уйимиз кенг ва ёруғ, турли замонавий мебель ва жиҳозлар билан тўла бўлса-да назаримда қандайдир жўн, ҳис-сиздай эди.

Зебунисо энамнинг парилар, фаришталар ҳақидаги афсоналари, эртаклари жуда кўп. Энамнинг айтишича, фаришта-парилар фақат кўнглида яхшилик унган, энг пок инсонлар, аҳил ва файзли хонадонлар, обод ва халқи яхшиликни шиор билган маъмур юртларни йўқлаб борар экан.

— Эна, энг покиза, беғубор кишилар, обод юртлар қаерда?

Энам кулиб жавоб беради:

— Ўз фарзандларини меҳр бериб алқаетган, адаб бериб камолга етказаетган, эл-улуси одил подшоларини дуо қилиб яшаётган масканлар-да.

— Фаришталар қаерда яшайди?

— Энг мусаффо, тинч жойларда. Улар ой нурига ҳамоҳанг тунда сув ёқалайди, ўйнаб ҳордиқ олишади. Қалби пок, яхшиликка эш одамларгина уларни ҳис қилади, кўра олади.

— Фаришталар одамлардан кўрқишмайдими?

— Фаришталар ёмон одамларга яқинлашмайди, ёмонлик уя қурган, разиллик илдиз отган жойлардан бош олиб кетишади, уларни чўчитиб юбормаслик керак. Кўрқитган одамнинг юзидан фаришта арийди.

— Сиз кўрганмисиз?

— Кўрганман.

— Кўрқмаганмисиз?


— Йўқ.

— Сизга нима деган?

— Тила тилагингни, — дейишган.

— Нимани тилагансиз?

— Юртимиз тинчлиги, элимиз, элпарварлари-



миз омонлиги, осмонимиз мусаффолиги, сен-дек набираларимнинг соф-саломат улғайишини сўраганман.

— Бошқа ҳеч нима сўрамаганмисиз?

— Бундан ортиқ яна нимаям сўрардим! Бандаси учун муҳими шу-да.

— Сўраган нарсаларни берадимми?

— Беради.

— Мен бўлганимда жуда кўп нарсаларни сўрардим.

— Сўрайвер болам, сўраганларинг ижобат бўлсин, илоҳим. Энам шу сўзларни айтиб мийиғида бироз кулиб қўйди. Мен уларнинг чиндан ҳам фаришталар билан суҳбат қилган, қилмаганини билолмай қолдим. Лекин бир нарсани билардимки, энам доимо яхши ният билан дуо қилишни канда қилмасди.

Энамнинг тутумига ҳайрон бўлиб, уйқу ахтарган хиёл юмук кўзларига термуламан. Ахир фаришталар нима тиласа, ижобат қилаётган бир пайтда нега ўзи учун ҳеч нарса сўрамади экан, дея ўйга толиб уларнинг ажиндор юзлари, меҳр балқиб турган кўзларига термуламан.

— Одамларга, парранда-ю даррандаларга озор бермасдан, яхши қўшничилик қилган, авлод-аждодлари руҳини шод этганларга ҳам фаришталар кўринадиди, — дея оҳиста елкамга қоқадиди. Унинг пинжиги суриламани, кўзимга уйқу илинадиди. Ҳар оқшом шу алпозда ухлаб, фаришта, париларни кўриш илинжи билан тонгни қарши оламан...

Йиллар ўтди. Энди бироз улғайдим. Энам эса тобора қартайиб, кекса тут дарахтидек юзларини турли чизиклар ажинлар қоплаб, гўё шохлари эгилиб борарди. Уй юмушларига ёрдамлашаман. Сув олиб келиш, экинлар тагини юмшатиш, мол-қўйларни суғориш, ўтлоққа ҳайдаш ишлари менинг зиммамда эди.

Зебунисо энам юртнинг тўкин-сочинлиги, фаровонлигини тилаб тинимсиз дуо қилиб, алқайди. Ҳар оқшом уйқуга кетганида ҳовли четидаги ҳовуз бўйига чиқаман. Қишлоққа аллақачон сув қувурлар, тортилиб хонадонларга сув келтирилган бўлса-да одамлар ҳовузни эъзозлашади. Унинг сувини бошқача кўришади. Улкан тоғ ўрқачларидаги муз ва қорларнинг эришидан ҳосил бўлган катта сой ўзани орқали қишлоқ оралаб ўтувчи бу сув доим муздек, ўз ҳолатини йўқотмайди. Унинг бир ирмоғи ҳовузга келиб қуюлади, кум зарралари тиниб янада тоза, тиниқ ҳолга келади. Ҳовуз атрофига тол, қайрағоч, бақатераклар экилган. Уларнинг катта томирлари атрофга панжа урган, тарвақайлаб ўсган шохлар ҳовуз сатҳини кун бўйи қуёш тигидан асрайди. Ҳовузнинг тўрт томонида сув олиш учун махсус пайманчаклар қилинган. Унда ёш болалар ҳам сув олишга, ичишга қийналмайди.

Оқшом чўкканида ҳовуз сувлари янада мавж-

ланиб, тиниқлашиб кетади. Кўкда балқиган ой унга нигоҳ ташлаб ҳовуз сатҳини ёритади. Оқшом эпкени сув юзини аста силаб-сийпалайди, сув бетига тушган япроқларни бир четга тортқилайди.

... Ана шундай сокин кунларнинг бири эди. Сувга келувчиларнинг оёғи тинди. Осмонда ой тўлибди. Бирам ёруғ, бирам ёруғ. Тун худди кундуздек ёришиб кетганди. Атроф жим-жит. Аста ҳовуз сатҳига келдим ва ҳайрат, ҳаяжон билан унга термулиб қолдим. Сув юзида сочлари қумушдек товланган ой юзли парилар, фаришталар сайр қилиб кезинарди... Кўрқиб дарахт панасига беркиндим. Оёқ-қўлларим мадорсиз, ҳаракатлана олмай титрарди. Назаримда, нимадир мени сеҳрлаб қўйгандек эди, сўз айтишга тилим лол...

Улар мени пайқашмади, сув сатҳида ўйнаб, узоқ сайр қилишди. Ой ёғдуси уларга мисоли нарвон эди. Кимдир пастга тушса, бошқа бири тепага кўтариларди. Эгниларидаги ҳарир либослар қанот мисол учиб-қўнишлари, бир-бирларини тортқилаб ўйнашларига ёрдам берарди. Ҳаммаси чиройли, тенгсиз лобар эди. Ялпиз ўтлар билан бурканган ҳовуз бўйини унданда ёқимли муаттар мушқу-анбарлар бўйи тутиб кетди. Мен ажиб манзара, ёқимли ифордан маст эдим...

Тонг ёришиб хўрозлар қичқира бошлади, кўрганларим туш ёки ўнгимда рўй берганми, англаб етолмасдим. Атрофда ҳеч ким йўқ. Бақатерак япроқлари шитирлаб, аста тин олди. Сирли кулги садолари ҳануз қулоқларим остида жаранглаб аста-секин узоқлашиб борарди. Нигоҳимни сувга қададим. Ҳовуз суви янада тиниқлашиб, мусаффо бўлиб қолганини ҳис этиб ўзгача ҳаяжон билан ортга қайтдим.

Йўлақлар озода, сувлар сепилган. Оҳиста Зебунисо энам ётган хужрага бўйландим ва ҳайрат, ҳаяжонда лол қолдим. Тунда димоғларимга инган муаттар, мусаффо, ёқимли анбар шу хонанинг ичкарисидан келарди. Энам эгнидаги кўйлакнинг ҳарир гуллари, ҳовуз бўйидаги фаришта — парилар эгнидаги нафис матолар гулларига жуда-жуда ўхшар, товланиб, жилваланиб кўзимни қамаштирарди. Хужра ичи фаришта — париларга тўла эди. Деразадан тўлин ой ёғдуси мисоли оқ поёндоздай энам ётган жойга тушиб турарди. Фаришталар қуршовида ётган энам ширин уйқуда эди. Мен уларни чўчитиб юбормаслик илинжида аста ортга қайтдим, бориб сўридаги тўшакка ёнбошладим, бутун борлиқни оппоқ қилиб ёритиб турган ойнинг сеҳрли таровати, ундан таралаётган кумуш нурларни томоша қилиб ётдим. Аста-секин улар жимирлаб саноксиз фаришталарга айланди. Қишлоғимиз, юртимиз осмонида оқ лайлақлардек учиб юрган фаришталар тобора кўпайиб борарди...



Халқимиз азал-азалдан бўш вақтни, тўй, маросим ва ҳар хил удумларни ўзига хос тарзда ўтказиб келган. Бундай удумларимиз халқимиз орасида турли номлар, атамалар билан аталади. Тўй-ҳашам, байрам, сайил ёки оилавий удумлар ҳам шулар жумласига киради. Улардан бири «Ололмайсан» Жиззах тумани ва Жиззах шаҳрида кенг тарқалган бўлиб, ҳозирги кунда ҳам никоҳ тўйларида, базм тугагандан кейин келинни гўшангага киритиш олдидан, иккала қуда томон фаол аёллари иштирокида ўтказилади. Бу удумда иккала томоннинг вакиллари маҳаллада, қариндош-уруғлар ўртасида ўзига хос обрў-эътиборга эга бўлган аёллардан ташкил топиши лозим.

«Ololmayсан»

Куёв ва келин томон аёллари 5-10 та бўлишиб, бир-бирларига қараган ҳолатда икки томонда икки қатор турган ҳолатда ўзига хос айтишувдан бошланади. «Ололмайсан» удумининг бошланиш қисмида келин томон қатори ортида келин бошига махсус рўмол ўраган ҳолда туради, куёв томоннинг ортида эса куёв бўлмайди. Куёв шу пайтда қўшни хонада ёки уйдан ташқарида бўлиши мумкин. Томонлар чамаси 3-4 метр оралиқда бир бирларига қараб, турган ҳолда маросимни бошлайдилар.

Куёв томон:

Ҳой қудалар, қудажонлар,
Келинлар, бир айтишайлик.
Қизик, қизик сўзлар айтиб,
Келинлар, бир кулишайлик.

Қиз томон:

Ҳой қудалар, қудажонлар,
Араванинг тагига сепдим кепак,
Келин боланинг кийгани бари ипак.

Куёв томон:

Ҳой қудалар, қудажонлар,
Куёв бола томини толдан ёпган,
Шундай сулув келинни қайдан топган?

Қиз томон:

Ҳой қудалар, қудажонлар,
Куёвни бой дегандингиз, бойи қани,
Самоварда қайнаб турган чойи қани?

Куёв томон:

Ҳой қудалар, қудажонлар,
Сув бўлса ҳам ичинглар чой ўрнида,
Той бўлса ҳам мининглар от ўрнида.

Қиз томон:

Ҳой қудалар, қудажонлар,
Араванинг тагидан сичқон қочди,
Нимча майиз тополмай куёв қочди.

Куёв томон:

Ҳой қудалар, қудажонлар,
Қочди, қочди деманглар қочгани йўқ,
Куёв ҳали ҳамёнини очгани йўқ.

Қиз томон:

Ҳой қудалар, қудажонлар,
Тахта-тахта кўприқдек тахти бўлсин,
Пайғамбарнинг қизидек бахти бўлсин.

Куёв томон:

Ҳой қудалар, қудажонлар,
Чори бобом чорбоғидан оширайлик,
Келин болани куёвига топширайлик.

Қиз томон:

Ҳой қудалар, қудажонлар,
Биздан сизга ким керак?

Куёв томон:

Ўзи гўзал, сочлари узун, қошлари камон, жаҳонда
тенги йўқ бизнинг келинимиз керак.

Қиз томон:

Ҳо-о, келинингизни ололмайсиз



Куёв томон: Ололаамиз.

Киз томон: Ололмайсиз.

Куёв томон: Ололаамиз, ололаамиз.

Киз томон: Ололмайсиз оҳ-ҳо, ололмайсиз ҳо!

Куёв томон: Ололаамиз оҳ-ҳо, ололаамиз-о!

Киз томон: Ололмайсиз оҳ-ҳо, ололмайсиз ҳо!

Куёв томон: Ололаамиз оҳ-ҳо, ололаамиз-о!

Киз томон:

Ололмайсиз, ололмайсиз, ололмайсиз ҳо!

Куёв томон: Ололаамиз, ололаамиз, ололаамиз-ҳо.

Айтишув шу жойга келганда, киз томон ўз жойида туриб, бир хил оҳангда қарсақ чалади, шу алфозда куёв томон жўр бўлиб, ўз қарсақларига мос ҳолда энгил ўйин ҳаракатлари билан киз томонга юришни бошлайди. Шу пайтда киз томон аёллари қаторни жипслаштириб, куёв томон аёлларини ортларидаги келинга ўтказмаслик учун ҳаракат қиладилар. Куёв томон аёллари ўзларини киз томоннинг аёлларига урадилар. Келинга ўта олмагач, яна тезликда жойига қайтишади.

Киз томон: Ҳ-ў-ў, ололмадингиз.

Куёв томон: Ололаамиз, ололаамиз, ололаамиз-ҳо.



Киз томон: Ололмайсиз, ололмайсиз, ололмайсиз ҳо.

Куёв томон: Ололаамиз, ололаамиз, ололаамиз-ҳо.

Киз томон: Ололмайсиз, ололмайсиз, ололмайсиз ҳо.

Куёв томон: Ололаамиз, ололаамиз, ололаамиз-ҳо.

Киз томон эса яна ўз қаторларини жипслаштириб, жонли деворга айланади. Куёв томондан бораётган аёллар шу жонли деворни ёриб ўтиб, келиннинг бошидаги рўмолни олишга ҳаракат қилади. Удум куёв томон келиннинг бошидаги рўмолни олмагунча тахминан 4-5 марта такрорланади. Шу тариқа удум давом этар экан, куёв томондан келиннинг рўмолини олган аёл рўмолни баралла кўтариб бор овозда «Олдик» дейди. Шундан кейин кайвони томонидан куёв чақирилади. Куёвнинг янгаларидан бири куёвни чопони билан бошини ёпган ҳолда етаклаб келади. Шундан кейингина куёв билан келиннинг чимилдиққа киришига рухсат этилади.

Бу удумнинг ўзига хос томонлари шундан иборатки, келин ва куёв томон янгаларининг сўзга чечанлиги, ҳаракатчанлиги каби жиҳатлари ўзига хос тарзда синалади. Удум нафақат келин-куёвнинг, балки янгаларнинг ҳам тўйга маънан тайёрлигини талаб қилади. «Ололмайсан» удуми эса қадимдан бу масалага аждодларимиз томонидан жиддий қаралганини далиллайди.

**Раҳматулла САРИМСОҚОВ,
Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат
педагогика институти доценти**

Форобий мусиқани инсонда ахлоқий фазилатларни шакллантирувчи, юксак дид ва гўзаллик туйғуларини уйғотувчи ва ҳатто инсон сиҳат-саломатлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатувчи восита деб бежиз таърифламаган. Улуғ аллома ҳаёти билан боғлиқ ушбу ривоятда мусиқанинг сеҳрли таъсири ҳақида сўз юритилади.

Musiqa sehri

Ривоятларга кўра, дарвешона кийинган бир одам Ҳалаб шаҳри кўчаларида ҳаммани ҳайратга солувчи куйлар чалиб юрганини эшитган ҳукмдор уни ҳузурига келтиришларини буюради. Мулозимлар кайф-сафо қилиб ўтирган ҳукмдор ҳузурига дарвешни олиб кирадилар. Ҳукмдор унга шундай дейди:

— Айтишларича, мусиқа борасида сенга тенг келадиган созанда йўқ эмиш, агар шу гап тўғри бўлса, шундай мусиқа чалгинки, биз ҳо-ҳолаб кулиб юборайлик, куйдан таналаримиз ҳам ларзага келсин.

— Хўп бўлади, — деб дарвеш мусиқа чалиб, ҳаммани кулдиради.

— Энди, — дейди ҳукмдор, ўзини кулгидан зўрға тўхтатиб, — сен бизларни йиғлатиб юборадиган мусиқа чалиб бер!

— Буйруғингиз мен учун вожиб, — деб Форобий шундай мунгли мусиқа чаладики, ўтирганларнинг барчаси йиғлашга тушади. Ҳукмдор, кўзларини артиб, яна дарвешга юзланиб дейди:

— Офарин! Энди қўлингдан келса, мусиқа чалиб, бизларни ухлатгил, бироз ором олайлик!

Дарвеш бошқа бир мўъжазгина мусиқа асбобини қўлига олиб, шундай майин, нафис товушда мусиқа чаладики, ўтирганларнинг барчаси уйкуга кетади. Дарвеш бир варақ қоғозга куйидагиларни ёзиб, саройдан чиқиб кетади: «Сизларни кулдириб, йиғлатиб, кейин ухлатиб, мусиқа чалган дарвеш аслида Форобий эди».

Уйқудан чўчиб уйғонган ҳукмдор варақдаги ёзувга кўзи тушиб, дарҳол уни топиб келтиришларини буюради. Лекин мулозимлар қанчалик қидирмасинлар, уни топа олишмайди. Чунки бу вақтда Форобий шаҳардан чиқиб кетишга улгурган эди.



Сиз уларни танийсиз. Кўпчилигимиз уларни бахши-шоирлар, ўланчилар, аскиячи ва қизиқчилар, дорбозлар кўрик-танловларида, фольклор фестивалларию халқ сайиллари, байрамларни ташкил этиш билан боғлиқ иш жараёнларида куйиб-пишиб юрганига гувоҳ бўлганмиз. Ҳа, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ўткир Тоҳиров миллий, маънавий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш билан боғлиқ маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш бўйича энг малакали мутахассисларимиздан бири ҳисобланади.

UMR MAZMUNI

Унинг кўп йиллик самарали фаолиятига назар ташлар экансиз, кўз ўнгингизда халқ бадий ижодини тарғиб этишни умр мазмуни деб билган камтарин, самимий, бағрикенг ва ўз ишига ўта масъулиятли инсон қиёфаси гавдаланади. Зукко боболаримиз «Эл-юртга муҳаббат, ватанга садоқат она алласи орқали гўдак қалбига жо бўлади», — деган ҳақ гапни айтишган. Зеро, Ўткир Тоҳировнинг маданият соҳасига қизиқиши ҳам, бизнингча, у тугилиб ўсган, вояга етган оиладаги муҳит, айниқса, волидаи муҳтарамаси Манзура Каримовадек зиёли, маърифатли инсон тарбияси билан бевосита боғлиқдир. Чунки онаси пойтахтимиздаги Эски шаҳар маданият уйида фаолият юритган. Уни болалигидан санъатга, адабиётга ошно қилиб вояга етказган. Таъбир жоиз бўлса, маданиятга қизиқиш унга она сути, меҳри билан ўтган.

Чиндан-да, қаҳрамонимизнинг ҳаёт йўли ва ижодий фаолиятига назар ташласангиз, унинг қалбида миллий маданиятимизга, айниқса, халқ бадий ижодига бўлган улкан муҳаббат жо бўлганлигини кўрасиз. Бугунги кунда фольклор санъатининг фидойи тарғиботчиси, маданий-маърифий тадбирлар ташкилотчиси сифатида элга танилган Ўткир Тоҳиров ўтган йиллар давомида самарали меҳнат йўлини босиб ўтди.

Олтмишинчи йиллар бошида Тошкентдаги ҳозирги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида фаолият юритган кезлари унинг ташкилотчилик иқтидори ва ташаббускорлиги туфайли ушбу боғ ўзига хос маданият ва санъат масканига айланди. Боғда оммавий-маданий тадбирларни ташкил этиш ва шу билан бирга, халқимизнинг қадимий байрам-сайилларини тиклаб, аҳолининг кенг қатламлари орасида тарғиб этиш бўйича самарали ишлар амалга оширилди. У «Гул сайли», «Сув сайли», «Ҳосил байрами», «Табассум сайли», «Мумтоз кўшиқлар навоси» каби тадбирларда ташкилотчи ва режиссёр сифатида ўз маҳоратини намойиш этди. Ўша даврда боғнинг «Кураш» майдони анъанавий халқ цирк санъати усталарининг томошалари, аскиячи ва қизиқчиларнинг ичакузди хангомалари, дорбоз, кўғирчоқбоз ва масхарабозларнинг кўрик-танловлари билан ҳамиша банд бўларди. Ҳафтанинг дам олиш кунлари эса халқимизнинг севимли санъаткорлари, таниқли хонанда ва созандалар, шунингдек, бадий ҳаваскорлик жамоалари қатнашчилари иштирокида

концертлар ташкил қилинишига ҳам Ўткир Тоҳиров бош-қош бўлар эди.

1972 йилда малакали режиссёр сифатида ҳозирги Абдулла Қодирий номидаги Маданият ва истироҳат боғи раҳбари сифатида иш бошлади. Ҳамиша ўз вазифасини сидқидилдан бажаришга одатланган Ўткир Тоҳиров боғнинг янада кўркам ва гўзал бўлиши йўлида фидокорона меҳнат қилди. Унинг сайё-ҳаракатлари ва ташаббуси билан ташкил этилган

«Барҳаёт анъаналар», «Табассум» — боғ меҳмони», «Аския кечалари», «Тўйларимиз ҳақида ўйларимиз» каби тадбирлар боққа ташриф буюрган дам олувчиларда катта таассурот қолдирди. Боғда янги чойхона ташкил этилди ва унда ҳар ҳафтанинг дам олиш кунлари доимий равишда эл ардоғидаги машҳур санъаткорлар билан учрашувлар, таниқли шоир ва адиблар иштирокидаги адабий кечалар, йирик олимларнинг давра суҳбатлари, аския ва қизиқчиларнинг чиқишлари ўтказиладиган бўлди. Шу тариқа, ушбу боғ обод ва серфайз гўшага айланди.

Ўткир Тоҳиров ўтган йиллар давомида қаерда ишламасин, ҳамиша вақтнинг қадрини билиш

ва унинг ҳар бир дақиқасини эзгу ишга баҳшида этишдек улуғвор мақсадга амал қилиб яшади.

Мустақиллик йилларида халқ ижодиётини тиклаш, ривожлантиришга катта эътибор берилганлиги натижасида турли кўрик-танловлар, фольклор байрам-сайиллари, халқ санъати фестиваллари ва шу каби маданий-маърифий тадбирларнинг кўлами ғоятда кенгайди. Бахши-шоирлар, оқинлар ва жировлар, аскиячи ва қизиқчилар, ўланчилар, лапарчилар, алла ижрочилари, кўғирчоқбозлар, дорбозлар ва халқ цирк санъати усталари, тўй маросим кўшиқлари ижрочилари, фольклор-этнографик жамоалари қатнашчилари, ҳаваскорлик театри ижрочилари, фольклор жамоалари, катта ашула ижрочилари ҳамда болалар фольклор жамоаларининг «Кўҳна замин оҳанглари» номли Республика телефестивали, шунингдек, «Энг яхши маданият ва истироҳат боғи», «Энг намунали маданият уйи» кўрик-танловлари мамлакатимизнинг маданий-маънавий тараққиётида муҳим ўрин тутадиган тадбирлар даражасига кўтарилди.

Унинг ташаббуси билан Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази ҳузурида мамлакатимизнинг таниқли фольклоршунос



олимлари, устоз санъаткорлар ва соҳа мутахассисларидан иборат «Фольклор кенгаши» ташкил этилди. Кенгаш томонидан халқ бадий ижодиётини ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалаларга «Халқ ижодиёти ва давр», «Мустақиллик: маънавият ва миллий қадриятлар муаммоси», «Ҳозирги давр бахшичилик санъати», «Миллий истиқлол ғояси ва фольклор санъати», «Фольклор санъати ва унинг маданий-маънавий тараққиётда туганган ўрни», «Фольклор-этнографик ансамблларнинг томоша дастурларида миллий либосларнинг ўрни», «Ўзбек фольклорини ўрганишнинг янги таъомиллари» каби долзарб мавзуларда қатор илмий-амалий анжуманлар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида 1996-2006 йиллар мобайнида иш олиб борган «Остона тиллодан» фольклор экспедицияси ҳам Ўткир Тоҳировнинг ташаббуси билан ташкил этилган эди. У киши мазкур илмий экспедицияни самарали ўтказишда бош-қош бўлибгина қолмасдан, унда бевосита иштирок этиб, тарихий илдизлари бир неча юз йилликлар билан бўйлашадиган қадимий кўшиқларнинг тўпланиши ҳамда ўзбек фольклорининг ҳудудий ўзига хослиги ва жанр жиҳатда ранг-баранглигини ўзида мужассам этган чечанлар, ўланчилар, лапарчилар, аскиячилар, маросим



кўшиқлари ижрочилари репертуаридаги ноёб асарларнинг ёзиб олиншига катта ҳисса қўшди.

«Меҳнат қилган — элда азиз» дейдилар. Дарҳақиқат, ўз умрининг эллик беш йилдан ортиқроқ даврини маданий-маънавий қадриятларимизни тиклаш ва тарғиб қилишдек эзгу ишга бағишлаган фидойи инсон Ўткир Тоҳировнинг кўп йиллик самарали меҳнатлари ҳам истиқлол йилларидагина ўзининг ҳақиқий муносиб баҳорини олди. Мустақиллик туфайли у кишининг фольклор санъати аъёнларини тараққий эттириш борасида амалга оширган фаолияти қадрланиб, 1992 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони, 2006 йилда «Меҳнат шухрати» ордени билан тақдирланди.

Ўткир Тоҳиров ҳозирда Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ёшларга санъат ва маданият соҳасидаги билим ва кўникмаларини улашиб келмокда. Бу соҳада, биз ёшлар, улардан кўплаб маълумотлар олиб келаётганимиздан беҳад шодмиз!

Одинахон ХОЛИҚОВА,
Тошкент шаҳри, Фафур Фулом номидаги
маданият ва истироҳат боғи ходими



Турсун АЛИ

ҲАЯЖОН ТИЛИ

Шеър тушуниладиган фалсафа эмас, ҳис этиладиган мўъжизадир.

* * *

Ўз сўзим ортидан кетавердим, бора-бора ўзлгимга етдим, ниҳоят.

* * *

Мен унинг шеърларини жимгина тингладим, жимгина хайрлашдим...

* * *

Шеърятнинг ҳамма ҳам тушунавермайдиган ўз тили бор.

* * *

Ҳақиқий шоирлар асрлар ва асарлар тўлғоғида тўлғана-тўлғана туғиладилар.

* * *

Жанг эмас, балки ижодий маҳорат ўқувчини хайрат кенгликларига етаклайди.

* * *

Асл шеър — навқирон кўнгилинг бокира туйғулари, ёниқ эҳтиросидан яралади. Тажириба шеърятга теранлик, фалсафа бағишлайди.

* * *

Ёзаётганимда сўз изламайман. Сўзнинг ўзи қалбимнинг энг чуқур еридан отилиб чиқади, кейин симга кўнган қалдирғочлардай қоғоз узра тизилади — парвозга шай...





Osmon kiprigiga ilinib durday

* * *

Йиллардан қолгани бўлди хотира,
Армонга айланган тошлари оғир.
Бир замонлар ўзим бўлсам ботир-а,
Бугун йиллар ўртаб сим-симлар бағир.

Тириклик яхши-да анжир болидай,
Омонлик кунларнинг меҳри нафаси.
Аммо йиллар оқиб дарё солидай,
Торлик қилар экан юрак қафаси.

Қизғалдоқ шамолда ўйнаганидай,
Баҳоринг шабада сингари эсиб,
Кўзингда шодлигинг қайнаганидай,
Ёшлатар экан-да қайғулар тўзиб.

Дарахтлар сингари ўсдинг кўк сари,
Очилиб гул-чаман чиройларидан.
Чиройлар ҳам қариб бораркан бари,
Хазонлар оқизиб Сир-сойларидан.

Йиллар олиб кетди десам борини —
Ишқим, муҳаббатим, нахрларимни —
Бошимга сочганча оппоқ қорини,
Яна ҳам яралаб бағирларимни.

Йўқ, ҳали ўчмаган ўту чўғларим,
Умрга етмайин то шум қадами —
Тўкилиб қолсами бору йўқларим,
Дилимни куйдириб кўяр алами.

* * *

Нур дебон сочингда оқ кўрдим,
Қорлар ичида тоқ кўрдим,
Оқ кўриб,
кўнглингни чоғ кўрдим,
Чиройли бўлибсан тағин ҳам.

Бу дединг ҳилолнинг оқ доғи,
Топганим меҳрнинг нақ боғи,
Эъзознинг баҳорги чақмоғи,
Чиройли бўлибсан тағин ҳам.

Ўриқлар гуллари тўкилиб,
Бошинга қўнибди, ўҳ, келиб,
Ва лекин бағримни чўғ қилиб,
Чиройли бўлибсан тағин ҳам.

ЯНА АНОР

Гулларинг бўлди гулим,
Чиройли ҳамда сўлим.
Ичиб севги дардларин,
Ёниб қолди-да кўнглим.

Чимчилаган тонг десам,
Томчилаган бонг десам,
Қамчилаган жон десам,
Қониб қолди-да кўнглим.

Сиқиб олдим ўчларим,
Қон бўлиб-да ичларим,
Силамай ёр сочларин,
Синиб қолди-да кўнглим.

* * *


Олам гул ҳидига айланди тўлиқ,
Нафасим анбарлар уфуриб чоғи.
Ўрик шоҳларида бодроклар бўлиқ,
Ойнинг шуъласига чўмилиб боғим.

Сени-да кутгани йўлингга чиқиб,
Айланиб қолдим-да нурланиб шундай.
Ўт олган бағримга меҳрлар йиғиб,
Қоп-қора сочингга сочгани тундай.

Сен эса сувларга тушингни айтиб,
Оқизоқ айлаб-да хаёлларингни —
Баҳордан кузакка бордингни қайтиб,
Кўзингга яшириб дунёларингни.

Менинг ҳам ўйларим юлдуз бўлгани,
Осмон кипригига илиниб дурдай —
Тўкилиб кетгани — кундуз кулгани,
Кел энди, кучоғим тўлдириб хурдай.

Олам гул ҳидига айланди тўлиқ,
Нафасим анбарлар уфуриб чоғи.
Ўрик шоҳларида бодроклар бўлиқ,
Ойнинг шуъласига чўмилиб боғим.





Ey shamol, tog'larga olib ket meni

* * *

Хансирайди юлдуз, хансирайди ой,
Вужудимда кунлар борар хансираб.
Кўзларимга тўлар мунгнинг сояси
Негадир тикилар уфқ консираб...

Гоҳ гуллаган боғлар юзимга боқиб,
«Қариб қолибсан» деб қилар киноя.
Аммо менинг руҳим нур дарёсидан
Энтикиб-энтикиб тинглар ҳикоя.

Ортимга боқаман, ширин бир ҳислар
Кўксимга чирмашиб қилар галаён.
Олдинда райҳондек хушбўйдир ҳаёт,
Бармоғим учига қўнади осмон.

Йўқ, йўқ, қариганим йўқ, дейман, ахир,
Юрагимда булбул куйлаган баёт.
Вафодор, меҳрибон маҳбуба каби
Елкамга бошини қўяди ҳаёт.

Тонгги шабнамлардай шаффоф хаёлим
Ишқнинг оҳангига тушаман йўлга.
Само юлдузларин, агар хоҳласам,
Олмадайн узиб оламан кўлга.

Абдуғаний кўнгли куёш билан дўст,
Хансираган кунлар, кетингиз нари.
Томиримда уйғоқ муҳаббат ҳаққи —
Мен ҳам қаримайман куёш сингари.

* * *

Эй шамол, тоғларга олиб кет мени,
Булоқлар бўйида хаёл сурай жим.
Тошдай оғирлашиб борар кун сайин,
Менинг кенгликларга бўлган соғинчим.

Охулар кўзидан сув ичсин кўнглим,
Чўққилар орзуси дилни этсин маст.
Ҳайқирай бағримнинг қўшиғи билан,
Осмонни кўтарай бошим узра даст.

Эй шамол, тоғларга олиб кет мени,
Лолалар қалбидан тинглайин эртақ.
Негадир чарчадим, бўғилдим, толдим,
Ташландиқ боғ каби хувиллар юрак.

Мени ошиқ қилган, девона қилган,
Туйғу бегонага ўхшайди бугун.
Фалак даричасин қачондир чертган,
Орзу афсонага ўхшайди бугун.

Эй шамол, тоғларга олиб кет мени,
Билмайман, кўнглимда қандайдир сурон.
Етакла, етакла, токи жонимда,
Энтикиб уйғонсин яшил ҳаяжон.

Олиб кет, кенгликлар завқи жонимда,
Баландроқ ёқайин ишқнинг шаъмини.
Ҳаёт жамолига, умид тонгига,
Яна ошиқ этай Абдуғанийни.

ЗУЛФИЯХОНИМГА

«Ҳаёт китобини аста варақлаб»,
Мусаффо тонгларнинг туйдим ифорин.
Сабр ва вафонинг мунис сабоси —
Дилдан ювиб кетди йиллар губорин.

Аёл қалбидаги буюк соғинчни —
Шеърлар китобидан ўқийди осмон.
Ўрик дарахтининг томирларига,
Югура бошлайди ажиб ҳаяжон.

Дунёда шоиру шоира кўпдир
Балки доврўқ солган шавкату шони.
Аммо ягонадир меҳру вафода —
Ўзбекнинг бетимсол Зулфияхони.

Халқ дарди, шодлиги кўнглида эди,
Миллат туйғусидан эди туйғуси.
Ватаннинг ҳар чечак, ҳар майсасида,
Жаранглаб турарди буюк орзуси.

Шеърлари қатидан дарё тўлқини,
Эшитилиб туради руҳимга гўё.
Энтикиб шивирлар ўрик гуллари
Ахир дарё дилдан қолади дарё.

Улуғ шоирасин ёд этиб бугун,
Назмига гул қўяр Ўзбекистоним.
Дилларга жилмайиб кириб келади,
Баҳорни етаклаб Зулфияхоним.



«Мен жилгаман, дарёо бо'либ тошгим келади...»

Ҳар бир инсоннинг камол топиши, маънавий юксалишида муסיқанинг беқиёс ўрни борлиги инобатга олинган ҳолда юртимизда ушбу соҳанинг ривожига катта эътибор қаратилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам замонавий муסיқа ва санъат мактаблари бунёд этилгани бир томондан ёшларимизнинг муסיқий дидини оширишда муҳим ўрин тутаётган бўлса, бошқа тарафдан миллий муסיқий маданиятимиз тараққиётида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Халқаро миқёсда ўтказилаётган турли нуфузли танловларда мамлакатимиз вакилларининг хорижлик муסיқа шинавандаларини лол қолдираётгани ҳам бу борадаги саъй-ҳаракатлар нақадар тўғри ва самарали эканидан далолат беради. Ана шундай ёшларни — юртимизнинг муסיқий маркази саналган Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаларини суҳбатга чорладик.

**Барно ИСМАТУЛЛАЕВА,
2014 йил «Competizione
dell' Opera» халқаро танло-
вининг Гран-При соҳибаси:**

— Юртимизда санъатга, ху-
сусан, муסיқага катта эътибор
берилаётганини шундан ҳам
билса бўладики, дунёда кўла-
ми жиҳатидан энг йирик са-
налган опера бўйича халқаро
танловлар ўтказилапти, энг
муҳими, ҳеч кимдан қолиш-
майдиган опера хонандалари-
миз бор. Биргина, 2014 йил
пойтахтимизда ўтказилган «Competizione dell' Opera»
итальян операси ижрочиларининг XIV халқаро тан-
ловини олайлик. Ўшанда хорижлик мутахассислар
ўзбек опера санъати мактабига жуда юқори баҳо бе-
ришди. Албатта, ўзбекистонлик ёш санъаткорлар
ҳақидаги эътирофлар ҳаммамизни қувонтирди, айна
пайтда зиммамизда улкан масъулият борлигини эс-
латиб қўйди. Дунё саҳнасига чиққанда, фахрли ўрин-
ларни қўлга киритган онлар Ўзбекистон вакили, Ва-
танимнинг юзи бўлиб борганим энг бахтли лаҳзала-
римга айланади.



билмаган нималар бор экан, деган хаёлга бораве-
раман. Тадбирларда, хорижлик меҳмонлар келган
давраларда куйлаганимизда улар бизнинг муסיқа-
ни жон қулоғи билан тинглаётганини кўрсам, чиндан
ҳам мақомнинг сеҳри барчани бирдек торта олиш
кучига эга эканига амин бўламан. Санъат фақат ўқиб-
изланишда эмас. Унга муҳаббатли бўлмаган одам бу
сеҳрли оламнинг сир-синаотларини ҳеч қачон билиб
ололмайди. Шунинг учун бу йўналишда устоз-
шогирдлик аънанаси ўрганувчиларга катта мактаб ва-
зифасини бажаради. Зеро, Ўзбекистон давлат
консерваториясининг талабалари кўнглида шоирнинг
«Мен жилгаман, дарёо бўлиб тошгим келади...» деган
сатрлари жаранглаётгандек. Насиб қилса келгусида
миллий мақомларимизни ўрганиб, устозларим кўма-
гида бу борадаги маҳоратимни ошириб, миллий санъ-
атимизни ривожлантиришга ўз ҳиссамни қўшаман.

**Мирсаид УБАЙДУЛЛАЕВ,
Европа чолғучилар кубо-
гининг Гран-При соҳибаси:**


— Ҳар бир сознинг ўз сеҳ-
ри бор. Уларни тингласангиз,
муסיқа орқали чолғучининг
нима демоқчилигини билиб
оласиз. Миллий созларимиз
оҳанги дилга яқинлиги билан
мени қизиқтирган. Фижжак
торлари орқали шўх муסיқа-
лар ҳам дардли оҳанглар ҳам
тингловчилар қалбига чуқур
кириб боради. Устозларимдан ўрганиб, халқаро тан-
ловларда ғолиб бўлдим. Шу жараёнларда дунё му-
сиқа шинавандаларининг миллий чолғуларимизга
нақадар катта қизиқиш билан қараганларини кўриб
ич-ичимдан қувондим. Келажақда ўзимнинг муסיқий
жамоамни тузишни, ўзбек муסיқа чолғулари ва му-
сиқасини дунёга танитишни ният қилганман.



**Рўзихон НУРМАТОВА,
«Ниҳол» мукофоти
совриндори:**

— Миллий мақомларимиз-
ни эшитиб ўсганман. Уларга
меҳрим бошқача. Ўзбекистон
халқ артисти Замира Суюно-
вага ҳавас қилардим, шукр-
ки, ҳозир улар менинг усто-
зим. Уларнинг барча билган-
ларини ўрганиб олгим кела-
ди. Ўрганганим сари, яна мен






Зумрад САФАРОВА, Руминия давлатида ўтказилган «Pro piano Romania» халқаро танловининг голиби:

— Созларга яхшилаб қулоқ солсангиз, худди бизга ўхшаб гапираётганини илғайсиз. Масалан, фортепианода энг нозик туйғуларни ҳам бекаму кўст ифодалаш мумкин. Бу ҳақиқий мўъжиза-да. Аввалига ота-онамнинг қизиқтириши билан шу йўналишни танлаган эдим, кейинчалик ўзим ҳам қизиқиб қолдим. Халқаро танловларда фахрли ўринларни эгаллаган пайтимда кўз олдимга ота-онам, устозларим, беминнат ёрдам берган инсонлар келади. Мен ҳам мусиқа сирларини чуқур ўрганиб, келажакда мусиқа мактабида ишлашни ният қиляпман. Ёш иқтидорларни кашф этишга, миллий санъатимиз, маданиятимиз баланд чўққиларга кўтарилишига ҳиссам қўшилса, менга кўмаклашган инсонлар олдидаги қарзимни бир қадар узган бўлардим.



Фахриддин ТУРАНОВ, 2014 йил «Romansiada» халқаро танловининг II ўрин соҳибси:


— Куйлаётганимда яқинларим, устозларим, бутун Ўзбекистонимиз кўз олдимга келади ва бу менга куч беради. Овозим баритон. Олдин баланд ноталарга чиқа олмасдим. Устозларимнинг ёрдамида, ўқиб-изланишлар натижасида ҳозир бемалол куйляпман. Опера шундай санъатки, қанча кўп меҳнат қилсанг, тинимсиз излансанг, бирор натижага эришсан, имкониятларинг очилади, агар бу мунтазамлик бузилса, уринишларинг зое кетиши ҳеч гап эмас... Устозимиз Эгамберди Турсунов бунга ўхшаш маслаҳатларни кўп беради. Ҳар гал халқаро танловларга чиққанимда ўзбекистонликларнинг хорижлик тенгдош санъаткорлардан кам эмаслигига ишонч ҳосил қилиб, хурсанд бўлиб кетаман, уйга янада кўпроқ ишлаш иштиёқи билан қайтаман.



Сайёда НОРЖИГИТОВА, 2014 йил Қозоғистонда ўтказилган халқаро танлов катнашчиси:

— Мусиқага болалигимдан қизиқардим, лекин унинг моҳиятини, сеҳрини ўқишга кирганимдан сўнг чуқурроқ англадим. Ўқиш жараёнида халқимизнинг севимли санъаткори Ўзбекистон халқ артисти Муяссар Раззоқованинг этагидан тутдим. Устозим саҳна маданиятидан ҳам овоз имкониятларидан тўғри фойдалана олиш, атрофдагилар билан қандай муносабатда бўлиш борасида ҳам эринмай сабоқ беради. Муяссар опа айтганига ҳаётда ўзи ҳам тўлиқ амал қиладиган инсон. Шунинг учун

худди устозимдек ўзбек мусиқа санъатини дунёга танитишни энг зўр мақсадим деб биламан. Албатта, бунга эришиш учун тинмай ўқиш, изланиш керак.



Дилафрўз АШУРОВА, Испанияда ўтказилган «Palma de Mallorca» халқаро танловининг II ўрин соҳибси:

— Саккиз ёшлигимда Италияда ўтказилган халқаро танловда учинчи ўринни олгандим. Шунда келажакка ишончим мустаҳкам бўлди. Америкада «Устоз-шогирд» анъанаси асосида ўтказилган таълим жараёнларида қатнашдим. Бу менга билдирилган навбатдаги ишонч эди. У ерда мусиқий қизиқишларни солиштирганман. Америкаликлар кўпроқ жазга қизиқса, бизда классикага интилиш кучли. Мураккаб чолғуларни ҳам осонлик билан чалишимиз уларни ҳайратлантирган. Ҳозир Англиянинг Винзер шаҳрида ўтказиладиган халқаро танловга тайёрланыпмиз. Бу танлов биринчи марта ўтказиляпти. Биринчи танловдаёқ ўз байроғимизни баланд кўтаришни мақсад қилганмиз.



Санобар АБДУРАФҚОВА, Парижда ўтказилган «Nikolay Rubinshteyn» халқаро танловининг II ўрин соҳибси:

— Мусиқа орқали дунё кешиш, Ватанимиз шарафини кўкка кўтариш, энг нуфузли танловларда голиб бўлиш туйғуси доим мени ижод қилишга ундайди. Халқаро танловлардан янги гоёлар билан қайтаман. Парижда ўтказилган халқаро танловда иккинчи ўринни олганимда меҳнат қилган одамнинг албатта мақсадига эришишига яна бир бор ишондим.



Шерзод НАЗАРОВ:

— Ёшлигимдан «Аббос» гуруҳининг муҳлиси эдим, куйларини қайта-қайта тинглайверардим. Кейинчалик устозларим Аббос Қосимов ва Раҳматилла Самадовнинг вақтини ҳам, меҳрини ҳам аямай сабоқ беришгани туйғули доиранинг ҳар бир зарбини юрак зарбига қиёс қилишни ўргандим. Келажакда устозлар анъаналарига содиқ қолиб, доиранинг садоларини дунёнинг турли бурчакларида янграиб, ўзбек миллий созлари ва куйларини тараннум этмоқчиман.

Нилуфар ҲАЙИТОВА тайёрлади



Фотима зинадан шошиб тушди, атрофида ўтлар ўсиб ётган йўлақда тўхтаб рўмолини боғлади ва ўзини жиддий қиёфага солди. Унинг беш дақиқа илгариги қувноқлигидан асар ҳам қолмаган эди.

Бино айвонида клуб мудирини Вану Абакелия кўринди:

— Фотима, бир дақиқага қарагин.

Аёл худди жиноят устида қўлга тушгандек қотиб қолди. Бир муддат безовта бўлиб хушёр тортган охудек жим турди. Кейин орқасига қараб юра бошлади, лекин зинадан кўтарилмади.

Пастда туриб ҳазин овоз билан сўради:

— Нима, Вану?

— Сўраш эсимдан чиқибди, бу ҳақда эринг биладимми?

— Билади.

— Нима деяпти?

— Нима дейиши керак?

— Худо ҳаққи, мени ноқулай аҳволга солиб қўйма! Унинг қанақа рашкчи, қизиққон эканлигини ўзинг яхши биласан-ку.

— Нима, ундан қўрқасанми?

— Гап қўрқашдамас, — деди клуб мудирини овозига жиддий тус бериб. — Асоссиз шубҳаланиб, хафа бўлмасин деяпманда. Айтайлик, менинг рафиқамни концертда чиқиши, масалан, менга ёқмаслиги мумкин, ўзинг биласан, ҳар кимнинг ўз таъби бор.

— Бундан хавотир олма. Бошида у қаршилик кўрсатди. Кўзининг пахтасини чиқариб бақирди. Мен ҳам ўз сўзимда туриб олдим, кейин бироз ён босди.

— Демак, эртага саккизда. Келишганимиздек.

— Ҳўп.

— Болаларингни ким билан қолдирасан?

Клуб мудирининг сўзларидан эзмалик ёки атайлаб чўзиш хоҳиши билиниб турарди. Бўлмаса, Фотима Вацадзенинг болаларига ким қарашининг нима алоқаси бор.

— Қайнонам олиб қолади. Майли, бир маротаба бўлса ҳам набиралари билан ўтириб турсин. Мен тўққиз йил уйдан кўчага чиқмадим.

— Кичкина неча ёшда?

— Ҳали ёшига тўлгани йўқ.

— Буни қара-я, ҳали кичкина экан, — клуб мудирини жиддий тортди.

— Соат еттида эмизиб ухлатаман. Катталари тўполон қилиб уйғотиб юборишмасан бўлди.

— Ҳали эмизасанми?

— Бўлмаса-чи, катталарини уч ёшгача ажратолмаганман. Умуман тинкамни қуритиб ташлашарди. Қайнонамнинг гапига қараганда уларнинг насли шунақа эмиш.

— Ҳўп майли, эртагача, — Вану Абакелия эшикка йўналди.

— Ҳайр.

— Ростини айтсам, Шаликонинг рухсат берганига ҳам унчалик ишонмаяпман.

— Нималар деяпсан! Ахир унинг рухсатсиз концертда чиқишга ботина олармидим.

Вану Абакелия яна бирпас туриб қолди.

— Мана, сен болаларимни қайнонамда қолдираман, деяпсан, нима у концертга келишни хоҳламайдими?

— Эй Худойим-ей, гапингни қара. Қайнотам вафот этганига йигирма йил бўлибдики, ҳалигача мотам кийимини ечмаган. Фақат қора кийиниб юради.

— Демак, келишдик, эртагача!

Фотима Вацадзе клуб мудирининг шунчаки бекорчиликдан эзмаланиб вайсаганини тушунди. У кўчага чиқиб, текис йўлка бўйлаб мағрур, озгина ўзига бино қўйгансимон қиёфада кетиб борарди. Ўзига қадалган нигоҳларга

Иво МИХИЛС

АРМОН




этибор бермас, келишган қоматини кўз-кўз қилаётгандек қадам ташларди.

«Балки аҳмоқлик қилаётгандирман, — ўйларди у. — Ахир одамлар уйида шунча чурвақаси турганда концертда чиқишга бало борми, демайдими. Ахир тўртта болани онасиман. Ифвогарларнинг гийбатидан худо асрасин, ишқилиб. Кимдир Шаликонинг жиғига тегиб қўйиши мумкин. Шундоқ ҳам қизиққон одам. Ана унда кўрасан, ҳаётинг ҳаёт бўлмай қолиши мумкин». Фотима ўзи билан ўзи бу борада кўп баҳслашиб мулоҳаза қилди. Концертда чиқиш таклифини кўп маротаба рад этмоқчи бўлди. Лекин қалбининг тубидаги санъатга бўлган муҳаббат бунга йўл қўймади. Бу санъатга хизмат қилиш ва муваффақиятга эришишнинг жозибадор истагимни ёки худо берган истеъдоднинг ички ҳайқириғими ўзи ҳам билмасди. У оналик бахти билангина эмас, балки ўзининг эҳтиросли кўшиқлари билан қалб сўзларини изҳор қилишни истарди...

Фотима тўққиз йил аввал маданият билим юртини тамомлади. Ўша йили турмушга чиқди. Унинг ҳаммага ёқадиган худо берган овози, ўз ижро услуби ва санъатда ўзига хос йўли бор эди. Билим юрти ўқитувчиларининг Фотимадан умидлари катта эди. У ўзини баъзан тушида эстрадага мос узун кийимда опера гуруҳининг ижрочилари даврасида кўрарди. Мурлан Микушадзе уни гитара чалишга ўргатди ва шаҳарда тантаналарга бағишлаб ўтказиладиган кечаларда муваффақиятли чиқишлар қила бошлади.

Фотимани ҳамма биларди. Унинг зўр истеъдоди билан биргаликда саҳнада ўзини оғир-вазмин тутишига ва беқиёс гўзаллигига ҳавас билан қарашарди. Фотиманинг тўсатдан турмушга чиқиши одамларга қутилмаган ҳодиса сифатида таъсир қилди. У ҳақда ҳар хил гап-сўзлар, гийбатлар кўпайиб, ҳар ким бу ҳолни ўзича талқин қиларди. Кимдир уни ўғирлаб кетишган ва бир жойга қамаб қўйиб ҳеч қачон чиқаришмаяпти деса, бошқа биров дугонаси бир жойга алдаб обориб қиморбозларга топширган, деган совуқ миш-мишларни айтарди. Лекин бир нарса аниқ эди. У одамларнинг меҳрини қозониб бўлган, Кутаиси ўзининг ноёб жавоҳирини йўқотишни истамасди. Охири кимдир Фотима ўзининг ихтиёри билан Окрибилик Шалико Вацадзега турмушга чиқибди, санъатни ташлабди, ўғил кўрибди, ҳозир оиласи билан овора эмиш, деган гапни топиб келди. Бу ҳақиқат эди. Фотима ўзининг ижодий йўналишининг бунчалик тез барҳам топишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Унинг қаттиққўл эри тўйдан кейин учинчи кунгача концертларсиз ҳам кунимиз ўтади, ҳар хил филармонияларга тоқатим йўқ, уйда менга филармония хонандаси эмас, хотин керак. Бу концертларга бормаймиз, дегани эмас. Энди сенинг концертинг уй, оила, бола-чақа, гап тамом, вассалом, — деди.

Фотима ҳеч нарса қила олмади. У истеъдоди ҳавога



совурилиб кетаётганига ачинар, чин дилдан қайғуларди. Лекин ичидагини ташига чиқармасди. Она бўлгандан кейин оналик меҳри, масъулияти олдида бу истаклар аста сўна бошлади. Йиллар ўтди. Деворда осиглиқ гитарага эътибор ҳам бермай қўйди.

Тўққиз йил тўққиз кундай ўтиб кетди, Фотима Вацадзелар оиласига тўртта ўғил туғиб берди. Тўртта ҳаёт, тўртта кувонч. Шу ўтган тўққиз йил Фотиманинг ҳаётидаги энг гўзал онлар бўлди. Унинг учун бир-биридан ширин, жондан азиз фарзандлари худди кичик фаришталардек эди. Уларнинг тили чиқётгандаги биринчи сўзлари, биринчи атак-чечаклари, онасига талпинган қўлчалари — буларнинг ҳаммаси Фотимага тақдирнинг инъоми бўлиб, болалари учун ҳамма нарсага тайёр эди.

Мана, бир неча кундирки, уни галати туйғулар қамраб олган. Тинчини йўқотди. Яна саҳналарда қўшиқ айтгиси келди, олқишларни соғинди. «Агар бир умр уйда ўтирадиган бўлсам истеъдоднинг, дипломнинг менга нима кераги бор» деб ўйларди. У қаердадир Лолита Торреснинг ҳам тўртта ўғли борлигини, лекин у санъатни ташламаганлигини ўқиб қолган эди. «Нега мунча бахтсиз бўлмасам, бир маротаба саҳнада қўшиқ айтсам нима қилибди? Ахир мен биронта ёмон иш қилмаяпман-ку. Балки истеъдодимни тирикликка ерга кўмаётгандирман. Бунга нима ҳаққим бор?».

Фотима шу масалада эри билан келишолмай қолди, лекин барибир кўндирди. Эртага шаҳар марказидаги маданият саройида катта концерт берилади. Узоқ танаффусдан сўнг, халқ Фотиманинг овозини яна эшитади. Унинг хоҳишига қўра, Ванно Абакелия дастурга — «Цицинатели», «Лўли романси» ва «Аве Мариа» қўшиқларини киритди.

* * *

Концерт авжига чиққан маҳали эди. Мамаладзенинг пантомимоларидан халқ жунбушга келди, қарсақлар зарбидан гўёки том кулаб тушай деди. Ҳатто бу пантомимони (бошқа қизиқчилар ижросида) кўп мароталаб кўрган бўлишига қарамай Фотима ҳам роса кулди. У парда орқасидан аста «партер»га қаради. Шалико учинчи қаторда ўтирарди. Фотимага тишини тишига қўйиб жаҳлини зўрға босиб ўтиргандек туюлди. Кулмайди ҳам, қарсақ ҳам чалмайди.

«Нима ҳам қила оламан, жоним Шалико, ахир тўққиз йилда бир маротаба инжиқлигимни кўтарсанг кўтариб-санда. Озгина чида. Мен сенга тўртта жонимиздан азиз бўлган фарзандларимизни катта қилиб бераяпман. Сен менга ҳамма нарсдан азизсан, мен бутун борлигим билан сеникиман-ку. Нега мунча қовоғингни солиб олдинг? Хавотирланма, сени ҳеч қачон шарманда қилмайман. Тушунгин, мен санъат учун туғилганман. Худо берган истеъдодни ерга кўмиш, ахир бу катта гуноҳ-ку! Онда-сонда, йилига бир-икки маротаба шунақа концертларда чиқиб турсам бўлди. Озгина таскин топаман, жонгинам. Илтимос, қовоғингни солма. Озгина кулгин, ўтинаман?».

Эндиги навбатда Деисадзе ва Кавтарадзелар «Картул» рақсига тушадилар, ундан кейин Важа Алхазашвили «Бакури»ни ўқийди, менинг навбатим келиб қолди.

Ия гитарага нима бўлди? Фотима уни йўлакка олиб чиқиб созлай бошлади, учинчи сими панд бераётган эди. Гитаранинг сими боғланган «қулоғ»и занглаган, симни яхши ушламаётганлиги билиниб турарди. «Наҳотки, энди халққа манзур бўла оладиган даражада куйлай олмасам? Йўқ, амаллайман. Ахир уларнинг «Аве Мария» ва «Лўли романси»ни биринчи эшитишлари эмас-ку. Бу ерга ҳақиқий санъатни севадиган одамлар йиғилган, ахир. Майли, кўлдан келганича уриниб кўраман, қарсақ чалмасалар ҳам розиман...

Қўшиқ айтаётганимда кимдир хуштак чалиб юборса-чи?

Ана даҳшат!.. Ким ҳам ботина оларди. Жуда бўлмаганда Шаликодан чўчиб ҳам чалмайди.

Важа саҳнага чиқиб бир йўталиб олди-да таъсирчан, баланд овоз билан: «Эй Элизбар, назар сол, нималар бўляпти ҳозир Эгода» дейиши билан залнинг бир чеккасидан бехосдан чақалоқнинг йиғиси эшитилиб қолди. Сўз устаси жим бўлди, Чақалоқ йиғиси одамларнинг кулгисига сабаб бўлган эди.

Фотима парда орқасидан секин мўралаб қаради. Гварамадзеларнинг чақалоғи экан. Лайлонинг қайнонаси жаҳл билан лабини қимтиб, чақалоқни амаллаб тинчлантиришга ҳаракат қилар, лекин концертни ташлаб кетиш нияти йўқлиги аниқ эди.

«Қанақа одамлар булар, ахир концертга ҳам чақалоқни кўтариб келадими», — хаёлидан ўтказди Фотима.

Важа шеърнинг бир бандини айтиб улгурмаган ҳам эдики, чақалоқ яна биғиллашини бошлади. Сўз устаси яна жимиб қолди. Парда орқасига жаҳл билан тикилди. Унинг бошловчига қарашида: залда тартиб ўрнатиб қўйгин, бўлмаса ҳозир зални ташлаб чиқиб кетаман, ўша лўттибоз раққосаларингун бачкана масхарабозларинг билан қолаверасан, деган мазмун бор эди.

Фотима ўзининг номини эшитиши билан танасидан чумоли ўрмалагандай бўлди. У юраги билан ҳозир нимадир рўй беришини ҳис қилди. Қараса, Обакелия унга ялингансимон қараб турибди.

— Фотима, қутқар. Ёрдам бер!

— Саҳнага чиқмайми?

— Навбатингни озгина ортга сураман. Кўрпсанми? Ҳаммасининг расвоси чиқаяпти. Сени Бабаликашвилининг спорт этюдлари чиқишидан кейин эълон қиламан.

— Майли, шундоқ бўлгани дуруст...

Фотима коридор орқали югуриб залга чиқди. Лайлонинг қайнонаси кўлидан чақалоқни олиб унинг ёнига ўтирди. Рўмолини пана қилиб, чақалоққа кўкрагини берди. Ҳеч қанақа овунтиришлар қор қилмаган кичкина Гварамадзе бирпасда жим бўлиб қолди.

«Жамоат тартибини бузувчи кичкина безори» тинчиди. Концерт давом этди.

Фотима икки маротаба уни кўкрагидан ажратмоқчи бўлди, лекин чақалоқ яна биғиллай бошлади. «Наҳотки бугун бирон маротаба ҳам эмизмаган бўлса» хаёлидан ўтди Фотиманинг. Одамлар яна норози қиёфада Фотимага тикилдилар.

«Бунча шўрпешона бўлмасам...»

Бабакашвили оғир полвон тошлар билан ўйин кўрса-тиб бўлганида Фотимани ҳаяжон босди. «Ҳозир мени чақаришади, гитарани қаерга қўйдим». У чақалоқни эҳтиётлик билан кўкрагидан секин ажратди. Эндигина ўрнидан туришга чоғланган эди, кучга тўлган Гварамадзеларнинг авлоди яна ҳамма ёқни бошига кўтарди.

— Фотима, қаёққа кетаяпсан, болани овути, савобли иш қил, — орқасидан кимнингдир норози чақариғи эшитилди.

...Концерт охирлаб қолган эди. Залда мириқиб маънавий завқ олаётган томошабинлар орасида паришон ҳолда бир аёл ўтирарди. Фотима Гварамадзеларнинг ўжар чақалоғини меҳр билан кўкрагига босаркан, дастрўмоли билан кўз ёшларини артарди.

Кўз ёшлари эса қуйилиб келарди...

Ҳамидулло ИСМАТ
таржимаси





BOLALARNING QALBAN ULG'AYISHIGA HISSA OO'SHAYOTGAN MUOADDAS DARGON

Республика болалар кутубхонаси бугунги кунда болаларимизнинг энг сеvimли масканларидан бирига айланди. Ҳар жиҳатдан қулай ва шинам. Кичкинтойлардан тортиб, катталарнинг эътиборини тортадиган китоб захираси мавжуд. Кутубхона йилига 13 мингдан зиёд китобхонларга хизмат кўрсатади. Интернет тармоғида ўзининг www.kitob.uz, www.taqvim.uz расмий сайтларига эга.

— Кутубхона фондида 200 мингдан зиёд адабиётлар ва 100 дан ортиқ бошқа нашрлар мавжуд, — дейди Республика болалар кутубхонаси директори Дониёр Ўролов. — Болалар ёшига мос бадиий адабиётлар, илмий-оммабоп нашрлар, ижтимоий-сиёсий китоблар, Ўзбекистонда нашр қилинган болалар ҳамда катталар учун газета ва журналлар, энциклопедия ҳамда луғатлар бор бўлиб, китобларнинг электрон варианты ҳам яратилган. Мақсадимиз фарзандларимизнинг маънавий оламини бойитиш, уларни ўқишга жалб қилиш. Бу йўлда турли тадбирлар ташкил этилди. Фаол китобхонларнинг талабаларидан келиб чиқиб, ёзувчилар, шоирлар, адабиётшунослар, санъаткорлар билан учрашувлар, онлайн мулоқотлар ташкил этилди.

Айни пайтда кутубхона сайтида китобхонлар учун «Ўзбек адабиёти», «Электрон адабиётлар», «Жаҳон адабиёти», «Ривоятлар», «Эртақлар», «Биласизми?», «Лойиҳалар», «Матбуот хизмати» ва кўплаб бошқа саҳифалар фаолият юритяпти. Электрон китоблар рўйхати тузилгани фойдаланувчиларга янада қулайлик яратмоқда.

Эндиликда ҳар бир китобхон уйда ўтириб kitob.uz сайтидан ўзига керакли бўлган китобини топиб ўқиш имкониятига эга. Шунингдек, сайтнинг рус тилидаги саҳифаси ҳам мавжуд. Шу кунларда сайтнинг «Нодир китоблар» саҳифасини тайёрлаш бўйича амалий ишлар бажарилляпти. Ўйлаймизки, kitob.uz ўзбек китобхонларининг сеvimли сайтларидан бирига айланди.

Кутубхонага кириб келар экансиз, бола бўлиб қолгингиз, афсона ва эртақларнинг сеҳрли оламини ўз тасаввурингизда забт этгингиз келади. Чунки бу ерда эртақнамо бир муҳит яратилганки, бир марта келган бола яна ва яна китоб ўқиш учун бу даргоҳга келгиси келаверади.

Ходимлар ҳар бир боланинг истагидан келиб чиқиб, унга керакли китобни топиб беради. Биринчи келганлар шароитлар билан таништирилиб, аъзоликка қабул қилинади. Кутубхона ходимлари бу жараён ҳам болалар учун унутилмас воқеа бўлиб қолиши учун ҳаракат қилишади.

Агар болалар ўқитувчиси ёки ота-онаси билан ташриф буюрса, «Оилавий ўқиш шўъбаси» хизматидан

Китоб инсоният томонидан қилинган кашфиётлар орасида энг буюгидир. Шунинг учун ҳам китоб доимо муқаддас билиб, эъзозланади. Биз бирор кунимизни китобсиз, ундан баҳрамандликсиз тасаввур қилолмаймиз. Китоблар оилада алоҳида жавонларга тартиб билан тахлаб асралса, жамиятда бу вазифани кутубхоналар бажаради. Кутубхоналар чин маънода одамларга билим берувчи маънавий хазина ҳисобланади. Айнан уларнинг борлиги туфайлигина қадимги кўлёмалар, босма китоблар, тарихий шахслар ҳақидаги манбалар бизгача етиб келган.

фойдаланиб туради. Бу бўлим имкониятларидан кутубхона яқинидаги «Оқибат», «Ёшлик», «Мустақиллик» каби маҳаллалар аҳолиси, уй бекалари, нафақадагилар кенг фойдаланиб келмоқда. Шўъба янги келган китоблар ва кутубхона фондидаги энг яхши адабиётларни мунтазам равишда китобхонларга тарғиб этиб келмоқда.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқувчилари учун илмий ва бошқа соҳаларга оид адабиётлар бор. Улар ўз билим ва малакаларини оширишлари учун бу ердаги ўқув зали доимо хизматга шай.



Санъатга оид адабиётлардан ташқари маънавият ва маърифатга таалуқли китоблар ҳам мавжуд. Бўлимга доимий равишда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, «Театр», «Санъат», «Саодат», «Гулистон», «Веселые нотки», «Юный художник» каби журналлар келиб туради. Бўлим асосан Тошкент шаҳридаги мактаблар, Успенский номли Республика ихтисослашган мусиқа академик лицейи ўқувчиларига ва Камолиддин Беҳзод номли Миллий рассомчилик ва дизайн институти талабаларига хизмат кўрсатади.

Хайрия жамғармалари, турли нодавлат ташкилотлар ва ҳомийлар томонидан ҳам китоблар олиниб, китоб фонди бойитилмоқда.

Республика болалар кутубхонасига келган бола қалбан улғайиб чиқади. Энди у ўртоқларига ҳам китоб ва мутолаа завқи ҳақида сўзлаб бериши турган гап. Фарзандларингизни дунёқарашини, тасаввур доирасини кенг, маънавий билимларга бой бўлиб улғайишини хоҳласангиз, албатта, уни мурғак чоғидан китобга ошино этинг. Зеро, китоб билан дўстлашган бола кун келиб ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб воёга етади. Таълим жараёнида олган билимлари кутубхоналарда янада мустаҳкамланади.



Madaniyat xabarlari

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ САХНА АСАРИ» КЎРИК-ТАНЛОВИ

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидоги маданият ва санъат коллежлари ўқувчиларининг ижодий изланишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида илк бор «Йилнинг энг яхши сахна асари» Республика кўрик-танлови ўтказилди.

Тантанали очилиш маросимида Маданият ва спорт ишлари вазири Б.Ахмедов мазкур танлов ўқувчилар ва таълим муассасалари ўртасида ижодий рақобат ва ўзаро фикр алмашинувини ривожлантириш, замонамиз қахрамонларини яратиш, ёш ижодкорлар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, маданиятимиз ҳамда сахна санъатимизга бўлган ҳурмат-эътиборни кучайтиришини таъкидлади.

Кўрик-танловнинг ҳудудий босқичлари май ойининг биринчи ўн кунлигида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридаги маданият ва санъат коллежларида ўтказилди. Унда актёрлик ва режиссёрлик йўналиши бўйича таҳсил олаётган гуруҳлар ўз сахна асари билан иштирок этди.

БАХШИЛАР ЮРТНИ КУЙЛАЙДИ

Навоий вилояти Хатирчи туманида «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида Пўлкан бахши хотирасига бағишланган «Бахшилар юртни куйлайди» деб номланган фестивал ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон халқ бахшилари Абдуназар Поёнов, Очил Чоршанбиев, Маҳмудмурод Ражабов, уларнинг издошлари Зулхумор Шерназарова, Мамарасул Эшимов, Исмоилхон Анваровлар иштирок этди. Халқ сайиллари, кураш мусобақалари, кўчқор ва хўроз уриштириш каби ўйинлар тадбирга бўлган қизиқишни янада оширди.

Фестивалда «Энг яхши дoston ижрочиси», «Энг яхши ўлан-лапар ижрочиси», «Энг яхши ҳажвий шеър», «Энг гўзал сурат», «Энг яхши ўйин кўрсатган жамоа» каби номинациялар бўйича ғолиблар аниқланиб, ташкилотчилар томонидан тақдирланди.

ДИЛГА ТУТАШ ОҲАНГЛАР

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Ўзбек Миллий академик драма театрида икки босқичда ўтказилган «Онам айтган аллалар» республика фестивалнинг ғолиб ва совриндорларини тантанали тақдирлаш маросими ҳамда концерт ташкил этилди.

Миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, халқ

оғзаки ижодининг дурдонаси бўлган алла жанрини аҳоли, айниқса ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида ўтказилган фестивалнинг ҳудудий босқичларида иштирок этган 268 нафар ижрочилар урф-одатлар, анъаналар ва қадриятларни ўзида акс эттирган ҳолда театрлаштирилган сахна кўринишлари ҳамда «Алла» кўшиқларини миллий чолғу асбоблари жўрлигида ижро этдилар.

Ҳудудий босқичларда муваффақиятли иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритган 60 нафар иштирокчи республика босқичида беллашди. Фестивал якунига кўра ғолиблар турли номинациялар бўйича тақдирланди.

ЭНГ ЯХШИ МУЗЕЙ ВА МУЗЕЙ ХОДИМЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбек Миллий академик драма театрида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекмузей» жамғармаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Фанлар академияси ҳамкорлигида музейшунослик соҳасида ютуққа эришган соҳа вакиллари қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган «Музей — халқ тарихининг кўзгуси» кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Мазкур танловга республикамизда фаолият юритаётган музейлардан 50 дан зиёд ҳужжатлар тақдим этилди. Кўрик-танловнинг талаби доирасида тақдим этилган ҳужжатлар Ҳакамлар ҳайъати томонидан ўрганиб чиқилиб, энг муносиблари турли номинациялар бўйича тақдирланди.

САНЪАТНИНГ «ҲАЁТ ОҲАНГИ»

Хивалик рассом-ҳайкалтарош 74 ёшли Шавкат Усмонов ўзбек ҳайкалтарошлик санъати ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Унинг Амир Темур, Жалолитдин Мангуберди, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Абулғози Баҳодирхон, Паҳлавон Маҳмуд сингари тарихий ва буюк сиймолар гавдаланган ўнлаб асарлари ўзининг бетакрорлиги билан ажралиб туради.

Урганч Суратлар галереясида «Кексаларни эъзозлаш йили» ва Халқаро музейлар куни муносабати билан очилган «Ҳаёт оҳанги» номли ҳайкалтарошлик асарлари кўзгазмаси Ўзбекистон Бадиий академияси бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, таниқли рассом-ҳайкалтарош Шавкат Усмоновнинг серқирра ижодкорлигини яна бир бора тасдиқлади.

Дилфуза ҚАРШИБОВА

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«Гулистон» журнали барча фотожурналист, фоторассом ва ҳаваскор сураткашлар учун «Обод манзиллар» фототанловини эълон қилади. Энг сара фотоасарлар журнал саҳифаларида ёритилиб, йил охирида ғолиб эълон қилинади ва таҳририятнинг махсус совғаси топширилади.

Ушбу саҳифада фоторассом Азамат ФАЙЗУЛЛАЕВ ижодидан намуналар ёритилмоқда.







Бир

Guliston

Нурилло ОСТОН



ҲАЖВИЙ ҒАЗАЛЛАР

ТУШ

Юзинг ой-у дудоқ ғунча, сочинг занжир,
Қадди наврастангда ифор сочар жамбил.

Имо қилдинг, ҳимо қилдинг, адо қилдинг,
Ўзим ҳайрон, кўзим гирён, юрак қандил.

Уруш кўрғон суворийдек жазм қилдим,
Манам силсилаи даврон, бироқ банд дил.

Булбулингман, санга банди бўлдим, э гул,
Оёқ-бошдин висолингга жами тадбил.

Валек гулмиҳда банддурман, тушовдурман,
Ажаб ишқнинг пайровидин вужуд тандир.

Бўлурми шунчалар қаттол, қаро бул туш,
Қаро терға тушубдирман зилу-замбил.

Калимамни бадастурлаб, хобни қувсам,
Боши болишимда хушхол ётар кампир.

РАҚАМЛАНСА

Етиб дийдор, дўсту улфат тугал бир жойға жамланса,
Қора кўчқор қуйруғидин девзира ошға дамланса.

Хуморлашса аҳли турбат, кутиб турса дутор навбат,
Лутфи хандон ичра суҳбат, жонон пиёла айланса.

Навозиш айласанг хўглаб, газакни боссанг уҳ-уҳлаб,
Жиззага нўш пиёз жуфтлаб томоқ жиз-бизга таъмланса.

Ўчоқбошда гўлах бўлсанг, ўтин ёрсанг, бўлак қилсанг,
Сабилдан сал газак қилсанг, мўйлабинг учи намланса.

Эсга олсанг хуш лаҳзани, ҳамда ширин туш, ларзани,
Ўшал қаламқош, ғамзани, бир париваш санамланса.

Атри баҳор елиб тошса, сатри ашъор тўлиб-тошса,
Аҳли дўст-ёр кулиб тошса, шакаргуфтор баҳамланса.

Жаҳон ташвишидин айро, замон лаш-лушидин айро,
Ёмоннинг нишидан айро, турфа олам қадамланса.

Демиш Ҳижрат ўшал дамда, фанолиқ умри бир жанда,
Лабингдин тушмасин ханда, шу хуш фурсат рақамланса.

ЭЙ ГУЛ

Иккимизга эй гул, кўшқу равоқ бўлса,
Хилватнишин май-у тансиқ томоқ бўлса.

Чучмомалар кулиб ўпса кўзларингдан,
Қизғалдоқлар чехранг узра ёноқ бўлса.

Сархуш ўлсам мушки анбар бўйларингдан,
Бошимизда юлдузлардан чироқ бўлса.

Сийпаб ўтса сочларингни сарин эпкин,
Бизга алёр айтган майса, қиёқ бўлса.

Булбул хониши янглиғ юрак куйлаб,
Кўлингдан ичгали майгун дудоқ бўлса.

Ишқи оташ жавҳаридин ташна кўнгил,
Таранг тортилган ёй, пайкон садоқ бўлса.

Шу байтни битди-ю Ҳижрат толди ўйга,
Қочар қайга хотин қўйган тузоқ бўлса.

ШИРИН

Эй пари, ки рўзи субҳда безабон йўрғонг ширин,
Қай бирини мақтайун, хўрда-ю шўрбонг ширин.

Луччаки шафтолутек бағримни ошён айлағил,
Қўш кабутарни учғали қўймағон тўрбонг ширин.

Жонима хуш ёққали ахтари шаблар келодур,
Ки хобимни ташналаб мудрағон кўрпонг ширин.

Белинға дастим хумор, кел сани эмди нозлатай,
Десаму аччиғ боқиб нозталаб зардонг ширин.

Ман дуруғ гапни десам, ёғсин бошимға чалпаки,
Қош-кўзунгни аврағон сим-сиёҳ сурмонг ширин.

Қашлабон соғу сўлим, боз васлингға тўйсам холо,
Чақса-да озор бериб, ваҳ баччағар бургонг ширин.



Бугунги кунда ҳаётимиздаги техник воситалар орасида микрофон ҳам катта ўринни эгаллаб турибди. Бошқача айтганда, турмушимизга чуқур сингиб кетди десак, хато қилмаган бўламиз. Микрофон ижро этилаётган куй кўшиқларни фақатгина қоғозга эмас, балки овоз ёзиш қурилмаларига ҳам кўчириш имконини яратди. У овоз ёзиш жараёнида асосий қисмлардан бирини эгаллайди.

XIX асрнинг охирида иختиро қилинган микрофон инсоният тарихида амалга ошириб келинган улкан ютуқларга яна бир мўъжизани кўшди. Ҳаммаси 1877 йили америкалик олим Томас Эдисоннинг ялтироқ қоғоз билан ўралган валикка товуш ёзувчи фонографни улашидан бошланди. Овоз ёзуви ихтирочиси бу қилган кашфиётини келажакда турли соҳаларда кенг қўлланишини, маданият жабҳасида етакчи воситалардан бирига айланишини тасаввур қилганмикин? Нима бўлганда ҳам мана шу ихтиродан бошлаб овоз ёзуви тарихига пойдевор қўйилди.

Дастлаб кашф этилган микрофон Эдисоннинг кўмирли микрофони бўлиб бу хилдаги ускуна иختиро қилганлигини мустақил равишда 1878 йилда Г.Махальский ва 1883 йилда П.М.Голубинский эълон қилган. Мазкур ускунанинг функцияси овоз кучайтиргичлар ёрдамида овозни кенгроқ даврага ёки масофага етказиш эди. Йилдан-йилга микрофонларнинг турлари, янги имкониятлари пайдо бўлиши унга бўлган талабни янада ошириб юборди. Ҳозирда энг кўп тарқалган микрофон динамик ва конденсаторли овоз кучайтиргичлардир. Дастлабки динамик микрофон 1924 йилда немис олимлари Э.Геллах ва В.Шотки томонидан ихтиро қилинган лентали типдаги электродинамик микрофон бўлади. 1931 йилда эса америкалик олимлар Э.Венте ва А.Терас катушкали динамик микрофонни яратди. Унинг афзаллиги чиқиш қаршилиги аввалги турдаги микрофондан каттароқ эканлигида бўлди. Бу хилдаги микрофонлар сезувчанлик даражаси пастроқ бўлса-да, ҳозирги кунда ҳам айрим овоз ёзиш студиядаларида фойдаланилмоқда. Динамик микрофонларда ўзининг бошқа сифатлари билан конденсаторли микрофонга нисбатан электрик хусусиятлари билан афзал бўлганлиги тугайли ҳар хил тадбир ва ёзувларда кўпроқ ишлатилади.

1916 йилда америкалик олим Э.Венте томонидан конденсаторли микрофон кашф этилди. Конденсаторли (сигмили) микрофонлар асосан катта ва кичик овоз ёзиш студияларда қўлланилади. Бу микрофоннинг динамик микрофонлардан фарқи кўшимча (фантом) 48 вольт кучланишда ишлаши, ҳаво боси-

мининг юқори сезувчанлиги, чолғу ёки овоз частоталарини танламаслиги сабаб ихтисослашган студияларда кенг миқёсда ишлатилиб келинмоқда.

Афсуски, ҳар бир нарсанинг фақат фойда томони бўлибгина қолмай, ўзига яраша муаммоли жиҳатлари ҳам мавжуд. Биз биламизки, овоз кучайтиргичлар товушни бир неча баравар баландроқ қилиб берувчи хусусиятга эга. Табиийки, овоз баландлигининг меъёрдан ошиб кетиши тингловчининг эшитиш қобилиятига, қолаверса, руҳиятига таъсир кўрсатади. Хулосалардан маълум бўлишича, овознинг меъёрдан ошиб кетиши турли аномал ҳолатларни, ҳатто салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Шундай экан ҳаётимизга ўзига хос қулайлик воситаси бўлиб кириб келган микрофондан тўғри фойдалана билиш ниҳоятда муҳимдир. Таассуфки, сўнгги йилларда микрофоннинг салбий таъсирини ҳар қадамда учратиш мумкин. Биринчиси — ижтимоий ҳаётимиз билан боғлиқ бўлиб, барчамиз тез-тез гувоҳи бўлиб турганимиздек, турли оилавий тадбирлардаги микрофонларнинг қўлланишидир. Бу борада меъёрдан ошиш ҳолатлари кўп кузатилади. Яъни маросимга йиғилган кишилар овоз кучайтиргичлар таъсиридан бир-бирлари билан деярли суҳбатлаша олмайдилар. Сўнгги пайтларда тадбир ўтказиладиган бинонинг акустикаси ҳисобга олинмаган ҳолда керакли ҳажмдан бир неча баробар баландроқ кучланиш қўлланилмоқда.

Иккинчи муҳим жиҳат, овоз ёзиш студияларидаги улкан техник имкониятлардан фойдаланиб, ижрочиликда ҳаваскорликка йўл очиб берилаётганлигидир. Санъатдан йироқ, мусиқий таълим ва тасаввурга эга бўлмаган турли нўноқ ижрочилар овозларига компьютер эффектлари орқали безак берган ҳолда кўшиқ ёзиб, хонандалик даъво қилишмоқда. Бундай ҳаваскорлар сони кундан кунга ошиб бораркан, уларни телеэкранда кўришга, радио тўлқинларида эшитишга мажбур бўляпмиз. Бу эса санъатни тирикчилик манбаига айлантириб қўймоқда.

Шу тариқа XIX асрда техник восита сифатида кашф этилган микрофон қулайлик келтириш билан бир қаторда айрим ноқулайликларни ҳам юзага чиқармоқда. Замонавий техник имкониятлардан санъатимиз ва маданиятимиз тараққиёти йўлида тўғри ва самарали фойдаланиш, суистеъмолчиликка йўл қўймаслик ҳар бир онгли инсоннинг бурчи ҳам бўлиши лозим.

Муҳаммаджон РЎЗИМАТОВ,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти магистранти



Биз фарзандларимизни келажакка тайёрлар эканмиз, бунда ҳамма нарса, ҳатто, энг нозик жиҳатлар ҳам эътиборда бўлмоғи лозим. Уларни тўғри кийинтириш ҳам тарбиянинг бир кўриниши. Чунки болалар тақлид қилишга мойил ва эътиборли бўлади. Шуларни ҳисобга олсак, болалар киядиган либослар ҳам маълум маънода тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини англаймиз. Шу хусусда бир неча саволлар билан Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти ўқитувчиси, доцент Умида Мўминовага муурожаат қилдик.

— Болалар кийимида модага риоя қилиш шартми?

— Менимча болалар кийимида модага тўлиғича риоя қилиш шарт эмас. Чунки болалар учун қулайлик биринчи навбатда. Улар ҳаво ўтказувчан табиий матолардан бўлиши, боланинг эркин ҳаракат қилишига тўсқинлик қилмаслиги лозим. Бироқ болалар кийими бутунлай модадан ҳоли бўлиши ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Чунки болалар ҳам жамият ичида улғаяди ва шу сабабли улар ҳам ўз-ўзидан катталар каби замонга ҳамоҳанг тарзда кийинишни хошлайдилар.

— Кийимлардаги рангларнинг болалар руҳиятига таъсири борми?

— Кийимидаги ранглар уларнинг руҳияти ва кайфиятига ўз таъсирини ўтказишади. Уларнинг психологияси жуда нозик ва таъсирчандир. Болаларга кийим танланаётганда эҳтиёткорлик ва дид билан ёндашиш зарур. Чунки қора, қизил, оловранг ва ўта ёрқин ранглар болакайнинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Кийимидаги ранглар мутаносиблигига ҳам алоҳида эътибор бериш керак. Рангларнинг уйғунлашмагани болада инжиқ ва кўрс кайфият ҳосил бўлишига олиб келиши мумкин.

— Ҳозир дўконлардаги кийимларда турли ёзувлар, расмлар бор. Уларни англаб, англамай болаларга олиб берамиз. Шу хусусда фикрларингизни билдирсангиз?

— Болалар кийимидаги турли ранг ҳамда ёзувлар уларнинг ахлоқи ва тарбиясига таъсир этади. Шу сабабли ҳар қандай ёзув ва расмлар ҳам бола кийимида тўғри келарвермайди. Масалан ҳозирда «Мен дадамни яхши кўраман», «Мен ойимни яхши кўраман» ёзувлар туширилган кийимлар урфда. Бу сўзлар кўпинча инглиз, рус тилларида берилса ҳам болалар ундаги маънони катталар ёрдамида ўқиб олишади. Бундай сўзлар болада оилага муҳаббат, меҳр-оқибат туйғуларини шаклланишига ёрдам беради.

Бироқ ҳар хил хунук суратлар, белгилар, мантиқсиз сўзлар болани дидсизлантиришдан ташқари тарбиясига ҳам ёмон таъсир қилиши эҳтимоли катта. Мен четдан кириб келаяётган тажовузкор суратлар, ўзга юртларнинг байроқлари, қурол-яроқлар тасвирланган кийимларни дўконларимизда, бозорларимизда сотилишига мутлақо қаршиман. Фарзандларимиз миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбия топиши учун бу жуда муҳим. Қанчалик ярашиб турган бўлмасин, энгли равишда бундай кийимларни болаларга кийдирмаслик тарафдориман. Шунга оммавий тарзда эриша олсак, талаб камайган кийимни ҳеч ким четдан олиб қирмайди.

— Замонавийлик ва миллийлик мувозанати болалар либосларида акс этиши учун тавсияларингиз билан ўртоқлашсангиз?

— Ўзбек миллий матоларидан тикилган замонавий либослар жуда ҳам гўзал, байрамон кўринишга эга. Бундай кийимларга ҳозирги кунда талаб юқори. Уларнинг туслари ва товланиши болаларни ўзига жалб қилади ҳамда кайфиятини кўтарди. Уларни тантана ва маросимлар учун кўпроқ ишлатаётган бўлсак ҳам кундалик кийишга мослаштирилган, замонавий кўринишлари ҳам бор. Бу, аввало болажонларимизнинг ўзларини қувонтирса, атрофдагиларга ҳам хуш кайфият улашади.

— Болаларни тўғри ва қулай кийинтиришда нималарга амал қилиш керак?

— Таъкидлаб ўтганимиздек, болага табиий матолардан тикилган кийимлар кийдириш керак. Бизнинг минтақамиз пахта, ипак ва жун сингари табиий маҳсулотларга бой замин. Шунинг учун болажонларга ўзимизда ишлаб чиқарилган кийимларни кўпроқ тавсия қиламан. Шундай кийимларнинг бели бўғиб қўймаслиги, ўта тор бўлиб қолмаслиги, безаклари ботмаслиги муҳим. Айниқса, оёқ кийим танлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Тагчарми пишиқ, ишлатиладиган маҳсулотларнинг табиий эканлиги, оёқ эркин ҳаракат қиладиган пойабзал танлаш жуда муҳим. Баъзида ота-оналар чироқлари ёнадиган, юрганда овоз чиқарадиган оёқ кийимларини фарзандларига кийдириб завқланишади. Аввало унинг зарари хусусида ўйлаб кўриш керак. Тагчарми юмшоқ оёқ кийими оёқнинг таг қисми нотўғри ривожланишига олиб келади. Ҳозир республикамизнинг барча ҳудудларида болалар ортопедик оёқ кийимлари тайёрлайдиган жойлар бор. Мутахассис тавсиясига кўра исталган шаклдаги оёқ кийимлари тиктириш мумкин. Бош кийимлари хусусида ҳам шу каби тавсияларимиз бор. Қишда иссиқ, ёзда олди айвонли бош кийимларни танлаш, бошни, қулоқларни сиқиб қўймаслиги мақсадга мувофиқ. Кийим болани эмас, бола кийимни безаб турмоғи керак.

Нигина ФУЛОМОВА
сўхбатлашди



Sahna ortidagi hangomalar

Марям ИХТИЁРОВА,
Ўзбекистон халқ артисти

ОММАВИЙ САҲНАДАГИ «ҚОВУН»

«Тоҳир Зухра» спектакли қўйилган пайтлар оммавий саҳнада чиқиб юрардик. Туйнук тепасида жарчи турарди. «Хон Бобохон Қоработир томон юриш қилди» деб жар солади. Шунда одамлар «Вой душман юриш қилаётган экан», деб қайғуга тушади. Ролни Анвар Юсупов ижро этган. Чўққи соқоли бор эди, гапирганда соқоли бориб-келиб ғалати бўлиб кетарди. Халқ йиғлапти, эзилапти. Мен бўлсам «соқолини қаранглар» деб қийқириб кулиб юбордим. Шу пайт бошимга тўсатдан бир мушт тушди. Қарасам Наримон ака парда чеккасида туриб менга муштини ўқталиб турган экан.

УНУТИЛГАН РОЛ

Ёшимиз катта бўлиб қолганда ўйнаган бир спектаклимиз бор. Номи «Фариштали аёл» бўлиб, 1980-1985 йилларда қўйилган. Бир аёл илмий ишлар билан банд, анчайин катта китоблар эзиб юради. Жудаям хаёлот дунёсига берилиб кетади.

Орада мен касал бўлиб, театрга анча вақт келолмай қолдим. Бирор ойлар ўтиб ишга келдим. Ўша спектаклга тайёрланиш учун грим хонамизда ўтирибмиз. Шеригим билан гапга берилиб кетибмиз. Мен саҳнага чиқишим олдидадан мусиқа чалинади. Ўшанга эътибор бермай қолибман. Ёрдамчи режиссиёр ёш йигит, югуриб келиб эшикни тақиллатиб «Марям опа чиқадиган жойингиз келди, чиқмайсизми, мусиқа ўтиб кетяпти» деб қолди. «Вой-дод» деб гримхонадан югуриб коридорга чиқдим. Саҳнага қайси эшикдан чиқиларди, шу пайтда умуман эслолмадим. Мусиқа эса ўтиб кетяпти. Атрофдагиларга «ўзи нима спектакл бугун» десам, «вой чиқинг, «Фариштали аёл» югуринг, бу ёқдан чиқинг» деб кўрсатворишди. Саҳнанинг орқа тарафида парда орқасида ишлатилмайдиган ўрта эшик бўларди, ўша эшикдан югуриб кирдим-да, ролга киришиб кетдим...

ТЕККАН «ҚАРФИШ»

Устозимиз Раззоқ Ҳамроев Туроб Тўланинг «Қари қиз» деган асарини кўяётганди. Саҳнада репетиция қиляпмиз. Уйга омонат эшик қўйилган. Гўё шу эшикдан кириб чиқамиз. Опа-сингилларни ўйнаётган Наима Пўлатова, мен ва Фароғат Раҳматовалар репетиция қиляпмиз. Наима опага дублёр бўлиб ўйнайдиган бошқа актриса келиб нуқул «домла, нимага мени репетицияга чиқармаяпсиз? Қачон мен репетиция қиламан» деб инжиқлик қилаверарди. Раззоқ ака «дамингни олиб тур қизим, эртага сен билан репетиция қиламан» деса жаҳл қилиб «илоё спектаклинг йиқилсин (қабул қилинмасин маъносида)» деб чиқиб кетди. Репетиция давом этди. Раззоқ Ҳамроев домламиз саҳнада «қизим сен мана бу эшикдан чиқасан, мана бу ердан ишлаб мана бу ерда туриб, мана бунақа дейсан» деб тушунтираётса эшик ағнаб кетиб, домламининг пешанасига тегди. Озгина қон чиқди. Қонни кўриб домла ўзини ташлаб юборди.

Хусан Шарипов ҳалиги актрисани ёнига чиқиб «Ҳе, башаранг қурсин, сен домла йиқилсин деб кетгандинг. Мана, домла йиқилди. Саҳнага тез ёрдам чақирилди,

ҳозир кўрасан кунингни», деди. У актриса эса «иби, мен ўлай, иби мен ўлай, мен домла йиқилсин демовдим, спектакл йиқилсин дегандим», дедию йиғлаб юборди. Кейин кечирим сўраганиди.

СОДДА БЎЛМАЙ ҚОЛАЙ

80-йиллар охири эди. Турк ёзувчиси Рашод Нури Гунтекиннинг бир асари қўйилган. Унда Одила хола ролини ўйнайман. Янги қўйилаётган кунлари эди. Метрода ишга келяпман. Кеч қолмай деб уйдан вақтли чиқардим. Газета олдим, ёнида кичкина ҳамён турибди. Алламбало тугмачаси бор, яп-янги. Кимдир газета олган бўлса, қолиб кетган деб ўйладим. Сал наридаги автомат телефон ёнида иккита рус йигит турибди. Мен ҳамённи олиб «кто то оставил», дедим. Анави йигитлар эшитмадим, унчалик эътибор бермади. Метродаги навбатчи аёлга бераман деб турганимда метро келиб қолди. Бирдан спектаклга кечикаётганим эсимга тушиб жон ҳолатда ўзимни поездга урдим, охири вагонга зўрға илашдим. «Қайтишда навбатчига ташлаб кетарман» деган ўй билан сал хотир-жам бўлдим.

Қаҳрамоним ижарага одам кўядиган, пулга ўч кампир. Ҳаммага ҳасад қиладиган, ҳар қандай одамдан пул шилай деб турадиган кўзи оч. Пардозимни қилиб, кийимларимни ҳам кийиб бўлдим. Саҳнага чиқишга 5-6 минут қолганди. Гримхонада ўзимдан бошқа ҳеч ким йўқ. Ҳалиги ҳамённи очиб кўрайчи, ичида нима бор экан, деб очганимни биламан, бир нарса бангиллаб, ҳамма ёқ тутун бўлиб кетди. «Вой-дод, вой-дод, вой-дод» деб югуриб коридорга чиқдим. Деворга суяндим, оёқ кўлим дағ-дағ титрайди. Ўша атрофда бўлганлар югуриб келди. «Нима бўлди, нима гап ўзи» деганларга, «бомба, бомба портлади» дейман. Қошимни устигаям, бурнимни устигаям қизил нарсалар ёпишиб қолганди.

Кейин билсам у порошок экан. Ўғриларни тутиш учун қўйилган бўлиб, ҳалиги йигитлар унга қараб туришар экан. Кийимимни алшмаштириш имкони йўқ, саҳнага ҳам ўша аҳволда чиқдим. Уст-бошларим, ҳамма ёғим бўёқ-порошок бўлиб кетди. Саҳнада Хусан ака билан диологимиз бор эди. Хусан ака гап бошлади: «Ҳа Одила кампир, ҳамён топиб олибсиз деб эшитдим, неча пул чиқди ичидан?» Саҳнада кулгудан зўрға ўзимни тутиб турдим. Эртасига «Табассум» эшиттиришини тайёрлагани радиого келдим. Наби Раҳимов киришим билан: «Ҳа Марям, Бешёғочда кеча бомба портлатибсан», деб қолди. Соддалигим туфайли мана шунақа вазиятларга ҳам тушганман.

КЎР ҲАССАСИНИ БИР МАРТА ЙЎҚОТАДИ

Театримиз Тошкент давлат иқтисодиёт университети ёнида жойлашган. Ёз кунлари эди. Имтихон пайтлари абутуриентларнинг ота-оналари келишадю, театримизни олдидаги йўлакдан узунасига университетга етгунча ерда қўллариди сумкалари борми, бошқа тугунлари борми, ўтиришади. Бир куни ишга келаётсам катта сумка ерда турибди, эгаси йўқ. У ёққа қарадим, бу ёққа қарадим, ҳеч қанақа одам йўқ. Вилоятлардан келадиган одамларнинг сумкаси эканлиги кўриниб турибди. Нони бордир, бошқа кийим-кечаги бордир. «Йўқ, бунга тегмайман, кўр ҳассасини бир марта йўқотади», деб театрга кириб кетдим.



Ikir-fikrlar

* * *

Йўқ-йўқ, гапиришда давом этавер. Мен ўзи шунақаман, жуда ҳам қизиқиб эшитаётганимда эснаб-эснаб қўяман.

(Зерикарли суҳбатдош шаънига айтилган «мақтов»)

* * *

Сенда итликнинг барча белгилари бор. Вафодорликдан бошқа.

(Бошлиқнинг ходимга айтгани)

* * *

Ҳозирги айрим қизлар орасида Криштиану Роналдуга ўхшайдиганлари жуда кўп. Бир ўзи нақ бештасини алдаб кетиши мумкин.

(Ёлғончи қизлардан азият чеккан йигитнинг дил ноласи)

* * *

Гараж эшигини кўрмай қолиб, машинани пачоқ қиладиган аёллар эрининг кўйлагигаги бегона соч толасини беш метр наридан кўради...

(Ишга кўзи кўкариб келган эркак сўзи)

(Уч йилдан бери ўқишга киролмаётган йигитнинг ҳасрати)

Musahhih daftaridan

Дўстим, сиз менинг суянган соя(қоя)мсиз.

Ҳофиз ака, кўшигингизни сал текин (секин) куйланг, илтимос.

Ресторанда маза қилиб совуқ (товуқ) едик.

Кўёшнинг иссиқ кафти (тафти) Козимнинг елкасини куйдира бошлади.

Сени шунчалар севаманки, бир умр тароғимда (қароғимда) асрайман.

ДИЛКАШ

Мақтудлар Мақтудлар Мақтудлар

Кичкиналигимдан «Тўлистон» журналининг оналим билан севиб ўқиймиз. Ҳозир ҳам журнал кўлимга тежкан кун болалигим қайтиб келгандек хурсанд бўламан. Узим ўқиб бўлгач, мактабдаги касбдошларимга ҳам илинаман. Шу тўғриси мактабда ҳам «Тўлистон»нинг янги сонини интиқиб кўтадиган бўлишди. Журналдаги барча мақолаларни, адабий асарларни қизиқиб ўқиб чиқаримиз. Мана, яна янги сонини олдиқ. Биз шеърларини севиб ўқийдиган бир қатор шоирларнинг ижодидан намуналарни журнал саҳифаларида кўриб, хурсанд бўлдиқ. «Галерея» саҳифасидаги расмлар ҳақидаги маълумотлар ва уларнинг асарларини расм қарсларида кўргазма тарзида фойдаландиқ.

Уйда фарзандларимга, мактабда ўқувчиларимга, «Балалар саҳифаси»даги эртақ ва шеърларни ўқиб бердиқ. Журнал менинг энг яқин сирдошимга айланганидан мамнунман..

Зухро БАРОТОВА,
Бухоро шаҳридаги 33-сон ўнқиллий
ўрта-таълим мактаби ўқувчиси

Ассалому алайкум, «Тўлистон» журналининг таҳририяти! Мен севиб ўқийдиган журналнинг ҳар бир сонини кўйлай ўқиб бораман. Менга, айниқса, охириги сонлардаги ўзгаришлар, рангли саҳифалар жуда манзур бўлди. Журналдан юртимиз маданияти ва санъатига доир янгиликлар, бугунги куннинг илғор ёшлари ҳақидаги мақолаларни ўқиб хурсанд бўлдиқ. Ёшларимизнинг яратилган илк ойналардан ўнқиллий фойдаланиб, дунё билан бўйлашаётгани, бошқа тенгдошларига ҳам ўрнак бўлади. Журнал саҳифаларида ёшларнинг шеърлари, насрий асарлари ва жаҳон адабиётидан таржималар ҳам ўқинишга интиладиқ. Қадрдон журналнинг кейинги сонларини ҳам соғиниб кўтиб қоламиз.

Маҳбуба ТИМЛАЕВА,
Марғилон шаҳри

ЎТГАН СОНДАГИ «АРДОҚЛИ ШОИРА» МУАММОНОМАСИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Калит сўзлар: 1. «Саодат». 2. «Мушоира». 3. Паризод. 4. «Ҳаёт варақлари». 5. «Ўғлим ...». 6. Ойбек. 7. Баҳорга, заъфарон. 8. Кимхоб, Янги. 9. Ҳожиева. Шеър: «...Қоронғу тунларда оловли сўзини, Кимки машғал қилса толе унга ёр.

Бахтли аёлман деб атабсиз ўзни, Сиздай шоири бор халқ ҳам сиздай бахтиёр». «Шоира Зулфия опамизга» Абдулла Орипов **Шакл атрофида:** Жаваҳарлал Неру. «Нилуфар». «Кирилл ва Мефодий»



«ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ САНЪАТИ» ЧАЙНВОРДИ

1. Рассомликда жонсиз предметларни тасвирлаш жанри. 2. Манзарачи рассом, рангтасвир устаси, Ўзбекистон халқ рассоми. 3. Дераза, эшикка рангли шиша парчаларини териб нақш, тасвир ишлаш санъати. 4. Сайқалланган сиртнинг товланиши. 5. Бир неча япроқли мойчечаксимон, тасавурда бахт-иқбол рамзи тариқасида қўлланиладиган нақш элементи. 6. Сайқал бериш ашёси. 7. Металл буюмга тасвир ишлаш санъати. 8. Иморат айланасига тишга ўхшатиб ишланган меъморий безак. 9. Мисгарликда офтоба каби идишларнинг қопқоғи билан дастасини бирлаштирувчи биронзадан қуйилган афсонавий куш ёки жониворлар тасвири. 10. Тасвирий санъатда рангларнинг уйғунлик касб этиши. 11. Нақшнинг маълум бир шаклда такрорланувчи қисми. 12. Рассомнинг асосий иш қуроли. 13. Қўлёзма китобларнинг муқова ва саҳифаларига олтин ёки кумуш суви билан ҳал берувчи уста. 14. «Иккинчи Моний» номини олган фахрий унвонга сазовор бўлган буюк миниатюрочи мусаввир, музаҳиблар етакчиси. 15. Қадимий тасвирий санъат намуналари топилган милоддан аввалги II аср охири-I аср бошларига мансуб, Чуст маданиятининг энг йирик ёдгорлиги, тураржой харобаси. 16. Рассомнинг ўз қўли билан ишлаган ўз тасвири. 17. Бирор нарсанинг чизма шакли. 18. Бинонинг олд томонидаги, пештоқ ва устунлар билан безатилган қисми. 19. Графитли расм чизиш қуроли. 20. Рассомлик санъати тури. 21. Безак нақшни қуйма ҳолда яшаш мосламаси. 22. Девор, шифтнинг атрофи хошия билан ўралиб, бўртма суратлар билан безатилган

қисми. 23. Геометрик шакллар билан ўсимлик ёки жониворлар тасвирларини ритмик тартибда қўшиб, уйғунлаштириб ишланган безак. 24. Тасвирий санъатда чайқалиб турган сувга ўхшаш чизма. 25. Энг мукамаллашган етук нақш тасвири. 26. Нақшнинг намуна сифатида танлаб олинган тури донаси. 27. Алишер Навоий асарлари қахрамонларини мўйқаламда гавдалантирган Ўзбекистон халқ рассоми.

«НОДИР АСАРЛАР» МУАММОНОМАСИ

Калит сўзлар:

1. «Алишер Навоий» портрети муаллифи, Ўзбекистон халқ рассоми. — 7, 8, 2, 3, 6, 14.
 2. Абдулла Қодирий асарларига қаламтасвирда суратлар чизган муаллиф, Ўзбекистон халқ рассоми — 5, 3, 10, 11, 8, 6, 14.
 3. Мусаввирнинг асосий ифода ва тасвир воситаси — 10, 6, 7, 16.
 4. Уста Ширин номи билан машҳур ганч ўймаkori, меъмор, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби — 5, 4, 10, 12, 15, 12, 14.
 5. Бирор нарсанинг чизма шакли — 13, 8, 1, 14, 3, 10.
 6. Бўёқ модда — 5, 12, 9.
- Шакл атрофидаги рақамларда ифодаланган муаммономани калит сўзлари жавоблари асосида ҳал этинг. Бунда улардан илк ўзбек аёл рассоми Шамсирўй Ҳасанова ижодига мансуб тўртта портрет асарлар номини билиб оласиз.

Фозилжон ОРИПОВ тузди



БАХТИЁР ТЎРАЕВ
Ўзбекистон Республикаси
санъат арбоби

Бахтиёр Тўраевнинг ижодини кузата туриб, нурни илғай олган, ҳар бир ҳолатдан ўзгача ҳикмат қидирган rassomни кашф этамиз. Унинг асарлари ўтмишдан ривоятлар, тарихдан ҳикоятлар сўзлайди. Уларни тинглаган сари тинглагинг, ўзинг учун янги оламларни кашф этгинг келади. Фалсафий ва ботиний маънолар суратлардаги ҳар бир деталга сингдирилганки, уларни кузатган сари моҳияти очилаверади.

У сўнгги ўн йил давомида Ўзбек миллий академик драма театрида «Соҳибқирон», «Ал-Фарғоний», «Чўлпон», «Чимилдиқ», «Машираб», «Қатагон», «Абулфайзхон», «Ёрқиной», «Муҳаббат султони», «Ноёб нусха», «Бир қошона сирлари», «Ҳаёт эшик ортида», «Усмон Носир», «Пири коинот» каби элликдан ортиқ спектакллар яратилишида rassom-декоратор сифатида фаол қатнашди.

